

ХФР

1918-йил
21-йундан чиқа
бoshлаган

№51-52, 2023-йил
27-декабр,
chorshanba (32.798)

Ўзбекистон ОҲОҲИ

Иjтимоiй-сiйосiй газета

Биргаликда иjтимоiй давлат сари!

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МДХНИНГ НОРАСМИЙ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 декабрь кунин Санкт-Петербург шаҳрида МДХга аъзо давлатлар раҳбарларининг норасмий учрашувидан иштирок этди.

Тадбирда Россия Президенти Владимир Путин, Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев, Беларусь Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов ва Арманистон Бош вазири Никол Пашинян қатнашди.

Учрашувда 2023 йилги кўп томонлама ҳамкорликнинг асосий яқунлари сарҳисоб қилинди ва келгуси йилга мўлжалланган устувор вазифалар кўриб чиқилди. МДХ доирасида кўп қиррали муносабатларни ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди, минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Таъкидлаш жоизки, сўнги йилларда мамлакатимиз ҳамдўстликда фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон 20 дан ортиқ тармоқ бўйича ҳамкорлик органларига ҳамда устувор соҳа ва тармоқлар бўйича 24 та муҳим битимга кўшилди.

МДХ мамлакатлари компаниялари билан саноат кооперацияси бўйича лойиҳалар портфели 30 миллиард доллардан ошди ва деярли барча тармоқларни қамраб олган.

Давлатимиз раҳбари МДХ доирасидаги амалий ҳамкорликни тубдан кенгайтириш ва ҳамкорликнинг амалдаги институционал механизмлари самардорлигини ошириш зарурлигини алоҳида қайд этди.

Шу кунин Санкт-Петербург шаҳридаги МДХ норасмий саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди.

Жорий йилнинг 5-7 октябрь кунлари Россияга амалга оширилган олий даражали ташриф якунида эришилган келишувларни рўйбга чиқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Товар айирбошлашнинг ўсиш суръатини сақлаб қолиш ҳамда истиқболли кооперация лойиҳаларини илгари суриш мақсадида яқин идоралараро мувофиқлашув ва амалий ҳамкорликни, шу жумладан, икки мамлакат худудлари даражасида таъминлаш муҳимлиги қайд этилди.

Минтақавий кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашилди.

МДХ норасмий саммитининг маданий тадбирлар дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Санкт-Петербург шаҳрининг сарой-боғ мажмуалари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Россия, Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон етакчилари билан биргаликда "Павловск", "Царское село" ва "Петергоф" музей-қўриқхоналарига ташриф буюрди.

XVIII-XIX асрларда барпо этилган ушбу тарихий обидалар ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган, меъморчилик ва боғчилик санъати дурдоналари сифатида тан олинган.

Танишув чоғида давлат раҳбарларига саройлар тарихи, уларнинг ички безаги ва бадий тўпламлари тўғрисида батафсил сўзлаб берилди. Олий мартабали меҳмонлар эътиборига мусиқа ва халқ оғзаки ижоди жамоаларининг чиқишлари ҳавола этилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг амалий ташрифи яқунланди.

Ў.А.

ЯНГИ ЙИЛ ЯХШИ ЙИЛ БЎЛСИН!



6-7

УЛУФ ОРЗУЛАР, ҚУТЛУФ НИЯТЛАР

2024 ЙИЛГИ РЕЖА ВА ДАСТУРЛАРИМИЗНИ ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ, "ЎЗБЕКИСТОН - 2030" СТРАТЕГИЯСИНИНГ МАҚСАДЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ НУҚТАИ НАЗАРИДАН ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРМОҚДАМИЗ.

ТИЛАГИМ - ЯНГИ ЙИЛДА ВАТАНИМИЗ ТИНЧ, ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИ ЯНАДА ФАРОВОН БЎЛСИН, БАРЧА ЭЗГУ НИЯТЛАР РЎЁБГА ЧИҚСИН!

2



ТАРИХИЙ ТАШРИФЛАР

4-5 САҲИФА

ШАХМАТ БЎЙИЧА VI ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ



26 ДЕКАБРЬ КУНИ САМАРҚАНД ШАҲРИДА ШАХМАТНИНГ БЛИЦ ВА РАПИД ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА VI ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНДИ.

ТУРНИРНИНГ УМУМИЙ СОВРИН ЖАМҒАРМАСИ 1 МИЛЛИОН ДОЛЛАРГА ТЕНГ. VI ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ДУНЁ РЕЙТИНГИДА ЮҚОРИ ЎРИНЛАРДА ТУРГАН ГРОССМЕЙСТЕРЛАР МАГНУС КАРЛСЕН, НОДИРБЕК АБДУСАТТАРОВ, ДАНИИЛ ДУБОВ, ГУКЕШ ДОММАРАДЖУ, ВИНСЕНТ КАЙМЕР, ШАХРИЯР МАМЕДЯРОВ, ЯН-КШИШТОВ ДУДА, Ю ЯНЪИ, МАКСИМ ВАШЬЕ-ЛАГРАВ, ЛЕВОН АРОНЯНЛАР ИШТИРОК ЭТМОҚДА.

ЧЕМПИОНАТ 30 ДЕКАБРГА ҚАДАР ДАВОМ ЭТАДИ.



ТАҲЛИЛЛАР, ТАКЛИФЛАР

8 САҲИФА



УЛУҒ ОРЗУЛАР, ҚУТЛУҒ НИЯТЛАР



Улуғбек ИНОЯТОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий
Кенгаши раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги фракцияси
раҳбари:

— 2023 йил барчамиз учун муҳим сиёсий жараёнларга бой йил бўлди. Халқимиз ўзининг юксак сиёсий онги, ҳуқуқий маданиятини намойиш қилиб, катта бир уюшқоқлик ва ҳам-жиҳатлик билан Янги тахрирдаги Конституцияни қабул қилди. Бу ҳужжат Янги Ўзбекистонни қуриш ғояси атрофида бутун жамиятимизни жипслаштирган, унда аҳолининг барча қатламлари манфаатлари инobatга олингани билан кадрлидир.

Айниқса, таълим, соғлиқни сақлаш каби қатор ижтимоий масалаларга Бош қомусимизда кенг ўрин берилди. Макбатга-ча таълим масаласи илк марта Конституциядан жой олди. Ўқитувчиларнинг мақоми, манфаатлари белгиланди. Ногиронлиги бўлган шахслар таълим олиши, меҳнат қилиши учун зарур шароит яратиш, инклюзив жамият барпо қилиш билан боғлиқ ҳуқуқлар ўз ифодасини топди.

Шунингдек, жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси қабул қилинди. Унда белгиланган вазифаларнинг катта қисми партиямиз дастурий ғоя ва мақсадларига чамбарчас боғлиқлиги муҳим аҳамият касб этди. Шу сабабли партиямиз стратегияни қўллаб-қувватлабгина қолмай, уни амалга оширишда барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг фаол иштирокини таъминлашга интилоқда.

2024 йилги режа ва дастурларимизни янгиланган Конституцияни рўёбга чиқариш, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг мақсадларини амалга ошириш нуқтаи назаридан янада такомиллаштиришмоқдамиз.

Тилагим – янги йилда Ватанимиз тинч, халқимиз ҳаёти янада фаровон бўлсин, барча эзгу ниятлар рўёбга чиқсин!



Мунोजот ЙЎЛЧИЕВА,
Ўзбекистон халқ артисти,
Ўзбекистон Қаҳрамони:

— Юртимиздаги барча янгиланиш ва ўзгаришларнинг барчаси санъат ва маданият соҳасида янгиланишга, кўрсатилаётган эътибор, кўмак, моддий ва маънавий рағбат яхши натижаларга асос бўлмоқда. Санъат оламининг вакили сифатида ўзимизнинг амалий ишларимиз, ижодимиз билан инсонлар қалбига эзгулик улашишга, тараққиётга элтувчи чора-тадбирларни амалга оширишга камарбаста бўлишга ҳамisha тайёرمىз.

Биз таълим бераётган Юнус Ражабий номидаги миллий мусиқа ва санъат институтида кўплаб ёшлар мақом йўналишида ўзларини кашф қилмоқда. Нафақат кашф қиляпти, балки халқаро нуфузли сахналарда миллий санъатимизни намоён этипти, тарғиб қиляпти. Бу ҳам давлатимиз раҳбари эътиборининг ҳосили, деб ўйлайман.

Яна бир жиҳати, санъат бугун илмий жиҳатдан ҳам бойиб бормоқда. Биз билан бир сафда ишлаб келаётган оддий ўқитувчилардан тортиб, профессорларгача нуфузли халқаро журналларда илмий мақолаларни чоп этиб, изланишларни амалга оширяпти.

Масалан, шогирдларимдан бири мақом йўналишида PhD даражасини қўлга киритди. Эътиборлиси, у йигит бакалавр босқичини академик хонандалик йўналишида битирган. Магистрлик босқичини эса анъанавий хонандалик йўналишида давом эттирди. Бу ҳам соҳадаги янгиланиш. Бошқа бир аёл шогирдим эса Зулфия мукофоти совриндори ва айни пайтда монографиялар ёзмоқда. Яқин кунларда унинг ҳам ана шундай унвонни қўлга киритишига ишонаман.

Янги йилда янги талантларни кашф этиш, турли ижодий лойиҳаларни амалиётга татбиқ қилиш ниятимиз. Халқимизга аввало саломатлик ёр бўлсин. Чунки кейинги йиллар давомида хасталиклар туфайли катта йўқотишлар бўлди. Шу сабабли ҳар бир юртдошимизга, бутун дунё аҳлига соғлиқ, хотиржамлик, тинчлик-омонлик тилайман.



Одилжон ИМИНОВ,
Олий Мажлис Сенатнинг
Фан, таълим ва соғлиқни
сақлаш масалалари
қўмитаси раиси:

— Бу йил, умид қиламизки, юз йилликнинг энг оғир талофатларидан бири саналган коронавирусдан тўлиқ халос бўлди. Пандемик вазият 2022 йилда ҳам давом этган эди. Соғлиқни сақлаш соҳасида, тез ёрдам, стационар билан ишлаш борасида тажриба орттирдик. Қонунчилигимизга ҳам бу борада ўзгартиришлар қилинди. Тизимга инновацион технологиялар жалб қилинди.

Педагогларнинг мақоми тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши ижтимоий соҳага бўлган эътиборни янада оширди. Ишонаманки, бу жамиятда ўқитувчининг обрў-эътиборини мустақамлашга хизмат қилади. Буларнинг барчаси Конституциянинг янгилангани сабаб бўлди. Авваллари битта жумла билан ифодаланган меъёрлар моддалар, боблар кўринишида Бош қонунимиздан жой олди. Ана шу асосида меъёрий ҳужжатлар ўзгартирилди, янгилари қабул қилинмоқда.

Келгуси йил бу йилгидан ҳам самаралироқ бўлиши зарур. Бу эса парламент вакилларига катта масъулият юклайди. Шундан келиб чиқиб, қатор масалаларни иш режамизга киритганмиз. Мисол учун, органлар трансплантацияси билан боғлиқ қонун тасдиқланган. Аммо унинг ижросини таъминлаш учун ечишимиз зарур бўлган қатор масалалар бор. Чунки бу янги жараён, янги соҳа. Кадрлар малакасини ошириш, жарроҳлик амалиётини бажариш борасида тажриба алмашиш чораларини кўриш бўйича назорат олиб бориш керак.

Иккинчидан, 5 ярим ёшдан 6 ярим ёшгача бўлган болаларни мактабга тайёрлаш масаласи ҳам энг йирик муаммолар сирасидан жой олган. “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида ҳам бу борада алоҳида вазифалар, хусусан, ҳар бир инсонни баркамол шахс сифатида шаклланиши учун қонунчилик базасини яратиш белгиланган. Келгуси йилда ҳар бир масала бўйича ўрганишлар олиб бориш, муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечими бўйича муҳокамалар ўтказиш режалаштирилган. Ўйлайманки, 2024 йилда уларнинг ижросини таъминлашда барчамиз камарбаста бўламиз.

2024 йил мамлакатимизда, минтақамизда ва албатта, бутун дунёда барқарорлик ҳукм сурсин. Инсонлар янгиланишлар яратиш, илмий изланишларини амалга оширадиган, орзу-истаклари рўёбга чиқадиган йил бўлишига тилақдошман.



Шомансур САЪДУЛЛАЕВ,
Фанлар академияси С.Ю. Юнусов номидаги
Ўсимлик моддалари кимёси институти
директори, академик, Сенат аъзоси:

— Ўтиб бораётган йилдан барчамиз миннатдоримиз. Таълим ва фандаги, илмий йўналишдаги ўзгаришлар, ютуқлар ҳам салмоқли.

Айниқса, декабрь ойи мен ва мен каби кўплаб олимлар учун қувонч олиб келди. 16 нафар илм фидойилари академик унвонига сазовор бўлди ва улар қаторида менинг исмим борлигидан бағоятда шодман. Рўйхатни ўқир эканман, исм-шарифимни кўриб кўзларимга қувонч ёшлари қалқиди. Умримни илм-фан, кимё-технология, табиий моддалар кимёси, синтетик дори препаратларни тайёрлаш бўйича илмий изланишларга бағишлаган инсон учун бу унвон энг катта совға.

Фаолиятимга тўхталадиган бўлсам, 1974 йилда академик Собир Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институтига ишга кирганман. Унғача эса икки йил заводда ишлаганман.

Номзодлик диссертациям пахта кунжарасидан фитин олиш технологиясига бағишланган бўлса, докторлик диссертациямни “Парпи, омонқора, наматак доривор ўсимликлари ва пахта шротини комплекс қайта ишлаш технологияси” мавзусида химоя қилганман.

Фаол моддаларни доривор ўсимликлардан ажратиш олиш, структураси, самарадорлиги, хавфсизлиги, унинг фаоллигини аниқлаш, амалиётга татбиқ қилиш учун янги технологияларни яратиш масалаларида катта илмий ишлар қилдим. Масалан, Аллапинин дори воситасини ишлатиш учун Россия патентини олиш ва “Аллапинин” товар белгисини қайд этиш, ушбу дори-га республикамиз талабини қондириш ва уни экспорт қилиб, институт валюта маблағларини оширишга озми-кўпми ҳисса қўшганман. Бу ҳам менга илҳом беради.

2016 йил 30 декабрда давлатимиз раҳбари “Ўзимизнинг олимларни қўллаб-қувватламасак, чет эл олимларини қўллашимизга тўғри келади”, деган эди. Ҳақиқатан ҳам 7 йил ичида жуда кўп қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Илм-фанда катта ўзгаришлар бошланди. Тўғри, буларнинг барчаси бирдан натижа бермаслиги аниқ. Аммо йўлга тушилди, устувор йўналишлар бўйича ишлар кўпайди, ёш ходимларнинг чет эл илмий марказларига бориб малака ошириш имкониятлари кенгайди. Буларнинг барчаси эртанги кун учун, тараққиёт учун амалга оширилмоқда.

Бундан кўринадики, олимларнинг вазифаси янги, фундаментал билимларга асосланиб, фанда янгиланишлар яратиш, маҳсулотлар ҳажми ҳамда сифатини оширишдан иборатдир. Ана шунда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан иқтисодийимизни бойитишга ҳисса қўшамиз. Ўсимликлар кимёси ҳам мураккаб, ҳам жуда қизиқарли соҳа. Демак, ҳали яна кўплаб янгиланишлар яратиш ниятидаимиз ва изланишдан тўхтамаймиз.

Барчани кириб келаётган янги йил билан қутлайман!

**“Ўзбекистон овози” муҳбири
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА ёзиб олди.**



БИЗ ЙИЛ ДАВОМИДА ПАРЛАМЕНТИМИЗ ҚУЙИ ПАЛАТАСИНИНГ ҚАТТИҚ МЕҲНАТ ҚИЛГАНИГА, ЎЗ МАЪСУЛИЯТИГА ЖИДДИЙ ЁНДАШАЁТГАНИГА КЎП БОРА АМИН БЎЛДИК. АЛБАТТА, ҲЕЧ БИР ЖАРАЁН СОКИН, БИР МАРОМДА КЕЧМАЙДИ. ЙИЛ ДАВОМИДА ДЕПУТАТЛАРНИНГ САЙЛОВЧИЛАР ОЛДИДА МАЪСУЛИЯТНИ ҲИС ЭТАЁТГАНИГА, УЗОҚНИ ЯҚИН, ОҒИРНИ ЕНГИЛЛАТИШ УЧУН ҲАРАКАТ, ИНТИЛАЁТГАНИГА ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛДИК.

КЕЧА, 26 ДЕКАБРЬ КУНИ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.



ЙИЛ ЯКУНИДАГИ ЯЛПИ МАЖЛИС

Фуқароларга пенсия тайинлаш жараёнида инсон омилини камайтириш, кекса ёшдаги шахсларга давлат хизмати кўрсатилиши сифатини янада оширишга қаратилган қонун лойиҳаси моддама-модда кўриб чиқилди.

Лойиҳада "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонунга фуқароларга Давлат хизматлари маркази ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали пенсия тайинлаш учун мурожаат қилиш ҳуқуқини яратиш, пенсияларнинг энг кам миқдорини белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлмаслигига доир ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилмоқда.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аҳолининг электрон давлат хизматларидан мустақил фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, электрон ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали пенсия тайинланган кекса ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга ўзларининг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида йиғилган маблағларини олишлари қулайликлар яратишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси қабул қилинди.
"Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ёнгинлар профилактикаси самардорлигини оширишга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

Мазкур қонунда **фуқароларнинг эҳтиётсизлиги ёки ёнгин хавфсизлиги қоидаларини бузганлиги туфайли уй-жой фондида одамлар соғлиғига зарар етиши ёхуд ўзганинг мол-мулки шикастланиши ёки унинг йўқ қилиниши билан боғлиқ бўлмаган тарзда ёнгин содир бўлганда бундай шахсларни жавобгарликдан озод қилиш** кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, бошқа шахсларга қўлланилиб келинаётгани каби тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳам ёнгин хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини тўғридан-тўғри қўллаш ҳуқуқи давлат ёнгин назорати органларига берилиши назарда тутилди.

Халқ вакилларининг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мавжуд амалиётнинг бир қанча хусусиятларини ўзгартириб, ёнгинлар профилактикасининг ва табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самардорлигини оширишга, шунингдек, ёнгин хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун маъмурий таъсир кўрсатиш чораларининг янада самарали қўлланилишини таъминлашга хизмат қилади.

Шу куни биринчи ўқишда **"Фармацевтика соҳасидаги қонунчилик такомил-**

» **2024 йилда биз палатанинг фаолиятида янги рух, янгича ёндашув, иштиёқ ва зафарли ташаббусларни кутиб қоламиз. Бошланадиган янги кундан, янги йилдан яхшилик кутиш ўзига хос қадриятларимиздан биридир.**

лаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан рецептсиз бериладиган дори воситалари рўйхатини Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланиши назарда тутувчи норма чиқариб ташланмоқда. Натижада дори воситалари Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази томонидан давлат рўйхатидан ўтказилиши чоғида "Дори воситаларини рецепт билан ва рецептсиз бериладиган дори воситалари тоифасига киритиш тартиби тўғрисидаги низоми" асосида унинг рецептсиз ёки рецепт асосида берилишига оид тоифаси аниқланади. Давлат рўйхатидан ўтказилган дори воситаси автоматик шаклантирилиб бориладиган рўйхатда қайд этилиб, очиқ веб-сайтта жойлаштирилади.

Қонун лойиҳасида тақлиф этилаётган янгиликлар соҳадаги айрим такрорланувчи ва бюрократик талабларни бекор қилиш орқали аҳолини сифатли, хавфсиз, самарадор ва арзон дори воситалари билан таъминлаш даражасининг ошишига хизмат қилиши айtilди. Қўзғин баҳс-мунозаралардан сўнг, қонун

лоийҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Навбатдаги масала — **"Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун лойиҳаси бўлди.

Қонун лойиҳаси билан тадбиркорлик субъектларига яратилган иш ўринлари сонига қараб, тўланадиган солиқларни пайсантирилган ставкаларда ҳамда бўлиб-бўлиб тўлашга имконият бериш кўзда тутилмоқда.

Ушбу лойиҳа Халқ демократик партияси электорати манфаатларига бевосита боғлиқ бўлганлиги учун фракция аъзолари душанба куни ўтган фракция йиғилишида муҳокама қилиб, солиқ маъмуричилиги соддалашиши, Солиқ кодекси нормалари тўғридан-тўғри ишлаши бандлик ўсишига ижобий таъсир кўрсатишини таъкидлашганди.

Лойиҳа ҳаётийлиги иноватга олиниб, депутатлар томонидан бир овоздан маъқулланди.

Йиғилишда **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига кредит мажбуриятларини бажариш тартибини такомиллаштириш ҳамда аҳолининг микромолиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"**ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан микроқарз ёки кредит бўйича амалга оширилган тўлов суммаси агар қарз олувчининг мажбуриятларини бажариш учун етарли бўлмаса, қарз олувчининг қарз мажбуриятларини мутаносиб равишда сўндирилишини назарда тутувчи тартиб белгиланмоқда.

Шунингдек, **кредит бўйича қарздорликни ва ҳисобланган фоизларни ундириш ҳақида суднинг ҳал қилув қарори чиқарилганда, мазкур кредит бўйича фоизлар, шунингдек, неустойка ҳисобланиши тўхтатилишига оид ўзгартириш ва қўшимча киритилмоқда.**

Бундан ташқари, **"Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида"**ги Қонунга микромолиялаштириш фаолияти деб эътироф этиладиган микроқарз беришнинг энг юқори миқдори эллик миллион сўмдан юз миллион сўмгача оширилишини назарда тутувчи қўшимча киритилмоқда.

Депутатлар қонун лойиҳасини муҳокама қилар эканлар, унинг қабул қилиниши аҳоли ва тадбиркорлар учун қатор қулайликлар

яратишини, аҳоли камбағалликка тушиб қолишининг олдини олишга қаратилганлиги билан аҳамиятли эканини эътироф этдилар.

Ялпи мажлисдаги кейинги масала **"Халқаро меҳнат ташкилотининг Иш ҳақини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 95-сонли Конвенциясини (Женева, 1949 йил 1 июль) ратификация қилиш ҳақида"**ги қонун лойиҳаси бўлди.

Ушбу халқаро ҳужжат меҳнат учун муносиб иш ҳақини ўз вақтида олиш ҳуқуқларини таъминлаш бўйича халқаро стандартларни самарали жорий этишда муҳим аҳамиятга эга. Лойиҳа қўллаб-қувватланди.

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган **"Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш янада ривожлантирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан амалдаги қонунчиликка "яшил энергия" сертификатлари тушунчасини киритиш ҳамда бундай сертификатларни бериш ва муомалага киритиш тартибига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қабул қилиш ваколати Вазираматига берилиши назарда тутилмоқда.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда электр энергияси ишлаб чиқарилганлигини тасдиқловчи электрон ҳужжат "Яшил энергия" сертификати сифатида қайд этилиши тақдир этилмоқда.

Шунингдек, қуввати 300 кВт ва ундан юқори бўлган қайта тикланувчи энергия манбаларида ишлаб чиқарилган электр энергияси тизимига улаш махсус ваколатли давлат органида рўйхатдан ўтказилганидан кейингина амалга оширилиши белгиланмоқда.

Бундан ташқари, Солиқ кодексига "яшил энергия" сертификатлари савдосидан тушган даромадлар фойда солиғидан озод этилишини назарда тутувчи қўшимча киритилиши кўзда тутилмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш, энергия самардорлигини ошириш орқали республика ҳудудларида энергия тақчиллигини бартараф этиш, бу борадаги ишларни комплекс ташкил этиш ҳамда инвесторлар учун қулай шaroитлар ва рағбатлантириш механизмларини белгилаш имконини беради.

2024 йилда биз палатанинг фаолиятида янги рух, янгича ёндашув, иштиёқ ва зафарли ташаббусларни кутиб қоламиз. Бошланадиган янги кундан, янги йилдан яхшилик кутиш ўзига хос қадриятларимиздан биридир.

Аҳмад ҚУРБОНОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.



ХАЛҚАРО НАМКОРЛИК

2023 йил том маънода Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўси, таъсири ошган, қиёфаси янгиланган йил бўлди, деб баралла айтиш мумкин. Бунини халқимиз билиб, жаҳон тан олиб турибди.

Ҳуқуқий давлатчилик асослари янгиланганини янги таҳрирдаги конституция, халқаро ҳужжатлар, стратегик шартномалар мисолида кўрсак, халқаро майдонда эътибор, интилиш юксалганини давлатимиз раҳбарининг хорижий ташрифлари мисолида кўраимиз. Президентимиз жорий йилда 20 дан ортиқ давлат, расмий ва амалий ташрифларда бўлди. Шубҳасиз, 2023 йилда шавкат Мирзиёев дунёдаги энг фаол президентлардан бирига айланди.

ДАВЛАТ ТАШРИФИ – давлат раҳбарларининг энг юқори даражадаги ташрифи. Тантанали кутиб олиш маросимларига катта эътибор қаратилади. Бундай маросимлар орқали икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар қай даражада эканига урғу берилади.

Давлат ташрифини фақат давлат раҳбарлари амалга оширади.

РАСМИЙ ТАШРИФ – давлат ташрифидаги каби тadbирлар ўтказилади, бироқ тантаналар ва кутиб олиш-кузатиш билан боғлиқ маросимлар нисбатан камтароқ бўлади.

Расмий ташриф билан бош вазир ёки ташқи ишлар вазири раҳбарлигидаги делегация ҳам келиши мумкин.

АМАЛИЙ ТАШРИФ – давлат раҳбари ёки делегациянинг муҳокама, маслаҳатлашув, халқаро анжуманларда ва миллий кўргазмаларда қатнашиш, халқаро шартномаларни имзолаш учун уюштирилган ташрифи.

Қуйида давлатимиз раҳбарининг йил давомида амалга оширган ташрифларини биргаликда эслаймиз.

ТАРИЖИЙ



ҚИРҒИЗ РЕСПУБЛИКАСИГА

Ўтаётган йилда давлатимиз раҳбари қўшни Қирғиз Республикасига бир марта давлат ташриф ва икки марта амалий ташриф доирасида сафар қилган.

Даставвал, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг таклифига биноан 26-27 январь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлган.

Олий даражадаги музокаралар кун тартибидан Ўзбекистон – Қирғизистон дўстлиги, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари ўрин олган.

Президентимиз ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг асосий устувор йўналишларини қайд этиб, биринчи навбатда, ўзаро савдо ҳажмини ошириш ва номенклатурасини кенгайтириш зарурлигини таъкидлаган.

Давлатимиз раҳбари **2 июнь кuni амалий ташриф билан** "Марказий Осиё – Европа Иттифоқи" форматидagi навбатдаги олий даражадаги учрашувда иштирок этиш учун Чўлпонота шаҳрида (Қирғиз Республикаси) бўлиб қайтган.

Кун тартибидан Марказий Осиё мамлакатларининг Евроиттифок билан конструктив мулоқотини янада ривожлантириш ва амалий ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари ўрин олган.

Президентимиз Марказий Осиё ва Европанинг транспорт-коммуникациявий боғлиқлигини, энг аввало, "Ўрта маршрут" деб ном олган Транскаспий транзит йўлагини шакллантириш орқали ривожлантириш мақсадида мамлакатларимизнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш муҳимлиги каби фикрларни илгари сурган.

13 октябрь кунги амалий ташриф доирасида эса МДХ давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этган.

Йиғилишдаги нутқида Президентимиз эркин савдо ҳудуди тўғрисидаги шартноманинг товарларни олиб қўйишга доир қоидаларини қайта кўриб чиқишни таклиф қилган.

Агросаноат комплекслари, логистика ва "экспресс" коридорларнинг ўзаро боғлиқлигини кучайтириш, тармоқни технология модернизация қилиш ва тизимли илм-фан алмашинуви масалаларини ҳал этиш лозимлигини айтиб ўтган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев дўстлиги, яхши қўшничилик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун ташкилотнинг олий мукофоти – МДХ Фахрий нишони билан тақдирланган.

СИНГАПУРГА

Шавкат Мирзиёев Сингапур Республикаси Президенти Ҳалима Яқубнинг таклифига биноан 16-18 январь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлган.

Кун тартибидан кўп қиррали Ўзбекистон – Сингапур муносабатларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари ўрин олган.

Инсон капиталини ривожлантириш ва давлат бошқаруви учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш, Ли Куан Ю номидаги Давлат сисёати мактаби иштирокида бошқарув, шахарсозлик, инфратузилмани ривожлантириш, рақамли трансформация, инновациялар, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида биргаликда давлат хизматчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурини амалга оширишга келишиб олинган.

Устав капитали 500 миллион доллар бўлган Ўзбекистон – Сингапур инвестиция компаниясини ташкил этиш юзасидан келишувга эришилган.

МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИГА

Давлат раҳбари Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ Ас-Сисининг таклифига биноан 20-21 февраль кунлари расмий ташриф билан Миср давлатида бўлган.

Саммитда савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзаро инвестициялар жалб қилиш учун қулай шароитлар яратишга келишиб, бешта йўналишда - газ-кимё, тўқимачилик, электротехника, заргарлик ва фармацевтика тармоқларида ҳамкорлик қилиш чоралари белгилаб олинган.

ОЗАРБАЙЖОНГА

Жорий йилда Президентимиз қардош Озарбайжон Республикасига уч бора сафар қилди. Шулардан биттаси давлат ташрифи, иккитаси эса амалий ташриф бўлган.

Илҳом Алиевнинг таклифига биноан Қўшилмаслик ҳаракати саммитининг ялпи сессиясида иштирок этиш учун 1-2 март кунлари амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлган.

Озарбайжон томонининг раислигида ўтadиган тadbир кун тартибидан пандемия оқибатларининг таъсири сақланиб қолаётган ҳамда халқаро хавфсизлик ва барқарорликка хавф-хатар ва таҳдидлар кучайиб бораётган шароитда кўп томонлама мулоқотни ривожлантириш ва амалий ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари ўрин олган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон етакчиси Озарбайжон Президенти билан учрашиб, илгари эришилган келишувларни амалга ошириш масалаларини муҳокама қилишган.

И.Алиевнинг таклифига биноан 22-23 август кунлари Президентимиз давлат ташрифи билан Озарбайжонда бўлган.

Етакчилар энергетика, машинасозлик, металлургия, шахарсозлик, қишлоқ хўжалиги, фойдали қазилмалар, тўқимачилик, ипакчилик, фармацевтика, электротехника ва бошқа тармоқларда саноат кооперациясини кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилган.

Транспорт ва транзит соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, Ўрта коридор орқали юк ташишни кўпайтириш, логистика ва портлар инфратузилмасини биргаликда ривожлантириш зарурлиги таъкидланган.

Шавкат Мирзиёев 23-24 ноябрь кунлари Боку шаҳрида БМТнинг Марказий Осиё иқтисодиётлари учун махсус дастури (СПЕКА) биринчи саммитида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Озарбайжонда бўлган.

СПЕКА дастури минтақа мамлакатларининг иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш ҳамда уларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувига кўмаклашиш мақсадида 1998 йил 26 март кuni Тошкент декларациясига мувофиқ таъсис этилган.

Давлатимиз раҳбари минтақавий савдо-иқтисодий ҳамкорликни мақсадида мавжуд тўсиқларни бартафос этиш ва экспорт-импорт операцияларини техник тартибга солиш чораларини уйғунлаштириш борасида жаҳонда энг илгор тажриба ва амалиётларни жорий этишни назарда тутадиган қўшма ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш мақсад мувофиқлигини таъкидлаган.

Шу билан бирга Шавкат Мирзиёев ишбилармон хотин-қизларнинг фаол ташаббусларини ва аниқ режаларини доимий ва тизимли рағбатлантириш мақсадида СПЕКА Тadbиркор аёллари кенгашини тузишни таклиф қилган.

ТУРКИЯГА

Президентимиз Туркий давлатлар ташкилотининг навбатдан ташқари саммитида иштирок этиш учун 15-16 март кунлари амалий ташриф билан Анқара шаҳрида бўлган.

Саммитнинг кун тартибига мувофиқ, фавқулодда вазиятларни бошқариш ва гуманитар ёрдам кўрсатиш борасида кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, табиий офатларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартафос этиш бўйича саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш истиқболлари кўриб чиқилган.

Ўзбекистон етакчиси Самарқанд саммитида эришилган келишувларга мувофиқ, савдо, "яшил" иқтисодиёт, инвестициялар, инновациялар, транспорт, логистика, фан, таълим ва маданий-гуманитар алмашинув соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган 30 дан ортиқ кўп томонлама тadbирлар амалга оширилаётганини таъкидлаган.

Туркия Республикаси Президенти таклифига биноан давлатимиз раҳбари 3 июнь кuni Анқара шаҳрида дунёнинг 70 дан зиёд мамлакатидан давлат ва ҳукумат раҳбарлари, расмий делегациялар ва олий мартабали меҳмонлар иштирок этган Режеп Таййип Эрдоғанининг инаугурация маросимида қатнашди.

ХИТОЙГА

Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раисининг таклифига биноан 18-19 май кунлари ушбу юртга давлат ташрифини амалга оширган. Сиань шаҳрида "Марказий Осиё - Хитой" форматидagi саммитда иштирок этди, Хитойнинг етакчи компания ва банклари раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Янги иқтисодий мулоқотни шакллантириш ва ўзаро боғлиқликни кучайтириш, 2030 йилга бориб минтақа мамлакатларининг Хитой билан товар айирбошлаш ҳажмини икки баравар ошириш ташаббусини илгари сурган.

Сиань шаҳрида давлатимиз раҳбари Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан музокара ўтказди, яқунда етакчилар Қўшма баёнотни имзолаб, 2023-2027 йилларга мўлжалланган янги даврдаги ҳар томонлама стратегик шерикликни ривожлантириш дастурини қабул қилишган.

Ташриф доирасида жами 41 та икки томонлама ҳужжат имзоланиб, умумий қиймати 25 миллиард доллардан зиёд бўлган янги юқори технологик саноат, савдо ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан келишувларга эришилган.

Шавкат Мирзиёев **17-18 октябрь кунлари "Бир макон, бир йўл" учинчи халқаро форуми тadbирларида иштирок этиш учун амалий ташриф билан** Пекин шаҳрида бўлган.

Юбилей саммитнинг кун тартибидан савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, транспорт-коммуникациявий ўзаро боғлиқликни кучайтириш, "яшил" тараққиёт, рақамлаштириш дастурларини илгари суриш ва бошқа масалалар ўрин олган.

Президентимиз Ўзбекистонда "Яшил" молиялаштириш" жамғармасини таъсис этишни таклиф қилиб, ушбу жамғарма кам углеродли иқтисодиёт ва "тоза" технологияларни ривожлантириш, шунингдек, минтақа мамлакатларида юқори экологик стандартларни жорий этиш учун молиявий ресурсларни сафарбар қилишнинг таъсирчан воситасига айланишини таъкидлаган.

Давлатимиз раҳбари Марказий Осиёда "яшил" тараққиёт соҳасидаги мақсадларга эришиш йўлида фикр алмашиш ва саъй-ҳаракатларни бирлаштириш учун 2024 йилда Самарқанд халқаро иқлим форумини ўтказиш ташаббусини билдириб, "Макон ва йўл" дастурида иштирок этаётган мамлакатларни "яшил" маҳсулотлар, айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўзаро савдосидаги чеклов ва тўсиқларни камайитиришга чақирган.

GERMANYAGA

Ўзбекистон Президенти Германия Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг таклифига биноан жорий **йил 2-3 май кунлари** ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди. Ташриф доирасида ўтган қўшма бизнес-форум якунида умумий қиймати 9 миллиард долларлик савдо, инвестициявий ва технологик лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишувларга эришилган.

Шу билан бирга, иқтисодиёт, савдо, молия, таълим, фан ва инновация соҳаларида 16 та ҳукуматларо ва идораларо ҳужжатлар имзоланган.

Ўзбекистон ва Германия Президентлари биргаликда Жеймс Симон галереясига ташриф буюриб, "Ўзбекистоннинг археологик хазиналари. Македониялик Искандардан Кушонлар салтанатигача" номли ноёб кўргазмани очилган.

Германия ҳукумати Ўзбекистоннинг ЖСТ-га қўшилишини ҳамда Европа Иттифоқи билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имкон қадар тез имзоланиши бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашга тайёригини билдирган.

Германия Федерал Канцлери Олаф Шольцнинг таклифига биноан **Шавкат Мирзиёев 28-30 сентябрь кунлари биринчи "Марказий Осиё - Германия" саммитида иштирок этиш учун амалий ташриф билан** Берлин шаҳрида бўлди.

Саммит кун тартибига мувофиқ, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш, "яшил" энергетикани ривожлантириш ва иқлим ўзгаришларига мослашиш истиқболлари, табиий ресурслар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари ҳамда барқарор ва изчил минтақавий тараққиётни таъминлаш борасида биргаликдаги саъй-ҳаракатлар муҳокама қилинган.

Президентимиз 29 сентябрь кuni саммит доирасида Германия Федератив Республикаси Канцлери Олаф Шольц билан музокара ўтказган.

Давлатимиз раҳбари қўшма иқтисодий тadbирларни мунтазам ўтказиб бориш, муқобил энергетикани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ва сув ресурслари бошқаруви рақамлаштириш, хом ашёни чуқур қайта ишлаш, молиявий воситаларни кенгайтириш, икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, миграция ва кўчувчанлик соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича қатор аниқ таклифларни илгари сурган.

ITALIYAGA

Шавкат Мирзиёев Италия Республикаси Президенти Сержо Маттарелланинг таклифига биноан 7-9 июнь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлган.

Давлатимиз раҳбарининг Италия Президенти Сержо Маттарелла ва Бош вазири Жоржа Мелони билан Олий даражадаги учрашувлари Рим шаҳрида бўлиб ўтган.

Етакчилар муносабатларни устувор йўналишларда янада мустаҳкамлаш истиқболларини батафсил муҳокама қилишган.



ТАШРИФЛАР

Музокараларда савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш асосий вазифа экани, ўзаро савдо ва инвестициялар ҳажми кейинги йилларда икки баробар кўпайгани, металлургия, энергетика, электротехника ва бошқа тармоқларда Италиянинг етакчи компаниялари билан sanoat кооперацияси лойиҳалари муваффақиятли амалга ошириладигани таъкидланган.

Ташрифдан бир неча кун аввал бўлиб ўтган бизнес форуми давомида жами 9 миллиард евродан кўпроқ қийматга эга инвестициявий битимлар ва савдо шартномалари имзоланган.

ЭРОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИГА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Эрон Ислмо Республикаси Президенти Иброҳим Раисийнинг таклифига биноан 18 июнь куни расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлган.

Давлатимиз раҳбари Техрон шаҳрида Эрон Президенти Иброҳим Раисий ва Олий диний раҳбари оятуллоҳ Сайид Али Хоманей билан учрашувлар ўтказган.

Музокараларда Президентлар ўзаро савдо ҳажмини ошириш, транспорт ва логистика соҳасида ҳамкорликни мувофиқлаштириш имкониятларини муҳокама қилишган.

Марказий Осиёни Эрон билан боғловчи энг қисқа транспорт-логистика йўлакларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилган.

Ташриф доирасида ҳукуматлар, идоралар ва ҳудудлар даражасида 15 та ҳужжат қабул қилинган.

САУДИЯ АРАБИСТОНИГА

Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауднинг таклифига биноан Шавкат Мирзиёев "Марказий Осиё - Қўрғаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши" форматдаги биринчи саммитда иштирок этиш учун жорий йил 18-19 июль кунлари Жидда шаҳрида бўлган.

Давлатимиз раҳбари саммит доирасида нутқ сўзлаб, қатор таклифларни илгари сурган.

"Яшил энергетика" лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш мақсадида алоҳида "Йўл харитаси"ни қабул қилишни таклиф қилган.

Президентимиз саммит иштирокчиларининг эътиборини туризм соҳасига қаратиб, Қўрғаздан сайёҳлар сонини кўпайтириш мақсадида бу давлатлар аҳолисига визасиз тартибнинг жорий этилганини таъкидлаган.

ТУРКМАНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА

Шавкат Мирзиёев Туркменистон томонининг таклифига биноан жорий йил 4 август куни амалий ташриф билан Ашхобод шаҳрида бўлган.

Ташриф давомида Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистон Президентларининг уч томонлама саммити ҳам бўлиб ўтган.

Президентимиз "Ўзбекистон - Туркменистон - Эрон" йўлагининг ривожлантирилиши ва Транскаспий йўналиши салоҳиятининг ишга солиниши Марказий Осиёнинг "Шарқ - Ғарб" ва "Шимол - Жануб" халқаро йўлакларидаги транзит маркази сифатидаги жозибадорлигини оширишига ишонч билдирган.

Шу мақсадда халқаро юк ташувчилар учун қулай шароитлар яратиш, рақамлаштиришни жадаллаштириш ва назорат-ўтказиш масканларининг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш йўлида биргаликда ишлашни таклиф қилган.



ВЕНГРИЯГА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Венгрия Бош вазири Виктор Орбаннинг таклифига биноан жорий йил 19-20 август кунлари амалий ташриф билан Будапешт шаҳрида бўлган.

Ташриф дастурига мувофиқ, давлатимиз раҳбари Венгрия Бош вазири билан музокара ўтказиб, унда Ўзбекистоннинг банк-молия соҳасини ривожлантириш, шу жумладан, хизматлар сифатини ошириш, энг аввало, бизнес учун инновацион ва арзон маҳсулотларни жорий этиш борасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш каби масалалар муҳокама қилинган.

ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА

Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг таклифига биноан 14-15 сентябрь кунлари Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви ва Оролни кўтариш халқаро жамғармаси саммитида иштирок этиш учун Душанбе шаҳрида бўлган.

Давлатимиз раҳбари Марказий Осиё мамлакатлари етакчиларининг бешинчи маслаҳат учрашувида минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг қатор жиҳатларига тўхталиб ўтган. Жумладан:

савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш;
саноат кооперациясини ривожлантириш;
транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлик;
энергетика соҳасида хавфсизликни таъминлаш;
озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш;
иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ таҳдидларга қарши курашиш каби муҳим омилларни санаб ўтган.

Шу билан бирга, экология вазирлари даражасида "Иқлим бўйича Марказий Осиё мулоқоти" кўп томонлама платформасини таъсис этишни таклиф қилган.

АҚШГА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессияси тадбирларида иштирок этган.

Ўзбекистон етакчиси БМТ минбарига туриб, диёримиз жаҳон илм-фани ривожига бекиёс ҳисса қўшган, ислмонни илм-маърифат ва тинчлик дини сифатида намоён этган Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий сингари улўғ аллома ва мутафаккирлар ватани экани билан фахрлинишни билдирган.

Шундай буюк олимларнинг бой меросини ўрганиш, ислмоннинг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб бериш мақсадида 2024 йил Ўзбекистонда "Ислмон - тинчлик ва эзгулик дини" мавзусида халқаро конференция ўтказиш ташаббусини илгари сурган.

Сўзининг якунида давлатимиз раҳбари барчамиз ҳозирги тарихий тўб бурилиш палласида келгуси авлодларга сайёрамизни қандай ҳолда қолдириш ҳақида ўйлашимиз лозимлигини қайд этиб: «Мустаҳкам тинчлик ва фаровонликка фақат умумий интилишлар ва биргаликдаги ҳаракатлар билан эришиш мумкин. Бизга ўзаро ишонч, бирдамлик ва ҳамкорлик руҳи ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ зарур».

ҚАТАРГА

Шавкат Мирзиёев Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг таклифига биноан 1-2 октябрь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний музокараларидан сўнг икки томонлама ҳужжатларни имзолашган.

Хусусан:
- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Қатар Давлати Ҳукумати ўртасида туризм ва ишбилармонлик тадбирлари соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва Қатар Давлати Ижтимоий ривожланиш ва оила вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум ҳамда бошқа муҳим ҳужжатлар имзоланган.

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИГА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 5-7 октябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлган.

Ташриф давомида Кенг қўламли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини чуқурлаштириш тўғрисида қўшма баёнот қабул қилинган.

Давлат раҳбарлари ҳузурда икки мамлакат ҳукуматлари ва вазирликлари томонидан имзоланган 10 та ҳужжат алмашилган.

Самарқанд шаҳрида Россия Федерациясининг бош консулхонасини таъсис этиш, ваколатли иқтисодий оператор институтларини ўзаро тан олиш, "Агроэкспресс" тезкор темир йўл ташувларини ташкил этиш лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги битимлар, Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2024-2025 йиллар учун ҳамкорлик дастури, шунингдек, транспорт, илм-фан, таълим ва маданият соҳаларида ҳамкорлик бўйича ҳужжатлар шулар жумласидан.

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан 2-3 ноябрь кунлари Туркий давлатлар ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Остона шаҳрида бўлди.

Президентимиз саммитдаги нутқини қадимий турк давлати асосчиларидан бири Билга Хоқоннинг қуйидаги даъвати билан бошлаган: "Эй туркий элим, ўзлигинга қайт, ўзининг англа - янада юксалгайсан!"

Нутқи давомида давлатимиз раҳбари томонларни уздик билан ҳарбий ҳаракатларга барҳам бериб, ўт очишни тўхтатишга, гуманитар мақсадларда муроасага келишга чақириб, Фаластин - Исроил муаммосини БМТ резолюцияларига мувофиқ "икки халқ учун икки давлат" тамойили асосида ҳал этиш зарурлиги борасида Ўзбекистоннинг Фаластин - Исроил мижораси бўйича позициясини ҳам билдирган.

Шунингдек, Туркий халқлар бирдамлигини, уларнинг буюк ўтмиши ва бой маданиятини, азалий қадриятларини ифода этадиган Туркий дунё хартиясини ишлаб чиқишни таклиф қилган.

БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИГА

Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаённинг таклифига биноан 30 ноябрь - 2 декабрь кунлари БМТ нинг Иқлим ўзгариши масалалари бўйича конференциясида иштирок этиш учун Дубай шаҳрида бўлган.

Иқлим бўйича глобал саммитда дунёнинг 170 дан ортиқ мамлакатларининг давлат ва ҳукуматлари, нуфузли халқаро ташкилотлар ва молиявий институтлар раҳбарлари қатнашган.

Давлатимиз раҳбари конференциядаги нутқида Ўзбекистон иқлим ўзгаришига қарши кураш бўйича умумбашарий ғояларга доимо содиқлигини тасдиқлаб, келгуси йили Самарқанд халқаро иқлим форумини ўтказиш ва Марказий Осиё мамлакатларининг умумий ёндашувлари ўз ифодасини топган БМТ Бош Ассамблеясининг алоҳида резолюциясини қабул қилишни қўллаб-қувватлашга чақирган.

Амалга оширилган ташрифлардан кўри-ниб турибдики, Ўзбекистоннинг очкилик, тенглик, ўзаро ҳурмат ва дўстоналикка асосланган фаол ташқи сиёсати халқаро майдонда муносиб қарши олинмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг жозибадор ташқи сиёсати дунё бозорларини бошқараётган, жаҳоннинг энг йирик икки иқтисодиёти АҚШ ва Хитой, Европа грандлари Франция, Германия ва Италия, муслмон оламининг энг йирик давлатлари Туркия, Саудия Арабистони ва Эрон каби йирик куч марказларининг мамлакатимизга нисбатан сиёсий қарашларини ўзгартиришга мажбур қилмоқда. Сиёсий оқиллик, фикрий теранлик ва ташаббускорлик бугунги халқаро майдоннинг талабидир. Ўзбекистон бу талабларга ҳар томонлама муносиб жавоб қайтармоқда.

Аҳмад ҚУРБОНОВ тайёрлади.

(Ташрифларга доир маълумотлар president.uz сайтидан олинди)





ОРЗУЛАР ВА ТИЛАКЛАР

ЯНГИ ЙИЛ ЯХШИ

ҲАР БИР ЙИЛ ИНСОН ҲАЁТИДА ҚАНДАЙДИР ИЗ ҚОЛДИРАДИ. БИРОР ЯХШИ ВОҚЕА, ЯХШИ ХОТИРА БИЛАН УЛАРНИ ЭСЛАБ ҚОЛАМИЗ. 2023 ЙИЛ ХАЛҚИМИЗ УЧУН НИҲОЯТДА ОМАДЛИ, БАРАКОТЛИ, ХАЙРЛИ ВОҚЕА-ҲОДИСАЛАРГА БОЙ БЎЛДИ. МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ҲУДУДЛАРИДА ОДАМЛАР КУТГАН, ОРЗУ ҚИЛГАН ЖУДА КАТТА ЯНГИЛИКЛАР, ЯХШИЛИКЛАР БЎЛДИ, ХАЙРЛИ ТАШАББУСЛАР КЎПАЙДИ.

КИМДИР ЯНГИ УЙГА КЎЧИБ ЎТДИ, ЯНА БИР ОИЛА ЎЗ МУСТАҚИЛ ИШИНИ БОШЛАБ ДОИМИЙ ДАРОМАДГА ЭГА БЎЛДИ, КИМДИР ЯНГИ ҲАЁТ БОШЛАДИ, ЯНА КИМДИР САЛОМАТЛИГИНИ ТИҚЛАДИ.

АЛБАТТА, ЯНГИ ЙИЛ ҚУВОНЧ, ОИЛАВИЙ БАЙРАМ ВА ЎЗ НАВБАТИДА, ЯНГИ УМИДЛАР ВАҚТИ. КИМДИР ТЎЙ ҚИЛИШ ҲАҚИДА ЎЙЛАСА, КИМДИР ЯНГИ ИНШООТ ҚУРИШ ЁКИ БОШЛАГАН ИМОРАТИНИ БИТКАЗИШ, ЎЗ ИШИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ КАБИ ЭЗГУ РЕЖАЛАР ҚИЛАДИ. ШУ ТАРИҚА ЯНГИ ЙИЛГА ЯНГИ ОРЗУЛАР, КАТТА УМИДЛАР БИЛАН КИРИБ БОРИЛАДИ.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ БУ ГАЛГИ ҚАҲРАМОНЛАРИ ҲАМ ЎТАЁТГАН ЙИЛНИНГ ЭСДА ҚОЛАРЛИ ДАМЛАРИ ВА ЯНГИ ЙИЛДАГИ РЕЖАЛАРИ БИЛАН БЎЛИШИШДИ.



ЯНГИ ЙИЛДАН УМИДИМИЗ КАТТА

Мамлакат НУРМАТОВА,
12-мактабгача таълим ташкилоти директори, халқ депутатлари Бўстон туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

Янги йилдан ҳаммамиз аввало кўп яхши нарсалар кутамиз, ўтаётган йилдаги ишларимизни сарҳисоб қилиб, мақсадлар қўямиз. Албатта, депутат сифатида жойларда аҳолининг ҳаёт даражасини ошириш, ҳудудлар тараққиётига хизмат қиладиган ташаббуслар кўпайиб бораётганидан қувонаман.

“Деҳқонobod” маҳалласида қарий 2 мингга яқин аҳоли яшайди. Ўтиб бораётган 2023 йилда маҳалламизда кўп яхши ишлар бўлди. Эски симёғочлар янгисига алмаштирилди, ҳудудимиз интернет тармоғига уланди, хизмат кўрсатиш ва сервис янада яхшиланди. Йиллар давомида ёндош қишлоқ ва маҳаллалардан челақлаб сув ташиган одамларимиз учун яна бир катта янгилик бўлди. Яъни, маҳалламизга сув келди, одамлар хурсанд.

2024 йилда ҳам янада яхши ўзгаришлар бўлишини истаймиз. Депутат сифатида сайловчиларим билан учрашганда кўпинча бандлик масаласида мурожаатлар бўлади. Шунинг учун камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринлари яратиш масаласига чуқурроқ эътибор беришимиз керак, деб ўйлайман. Имкониятлар кўп, фақат улардан оқилона фойдалансак бўлди. Янги йилда маҳалламизда янги цех очиш учун ҳаракат қиляпмиз. Ҳозир бир неча қизлар тикувчилик, тўқувчилик бўйича курсларда ўқияпти. Уларни шу цехга ишга жойлаштириш ниятидамыз.

Шунингдек, яқинда маҳалламиздаги ноғиронлиги бўлган йигит-қизлар бизга ишга жойлашишда ёрдам сўраб келишди. Улар билан суҳбатлашдик, қосибчилик, тўқимачилик билан шуғуллана олишларини айтишди. Ҳозир ҳунармандчилик марказлари ташкил қилиб, қўлидан иш келадиган шундай ёшларимизни ишга жойлаштириш бўйича режа қиляпмиз.

Ҳудудимиз “Обод маҳалла” дастурига киритилди. Инфратузилма янада яхшиланиб, маҳалламиз янада обод бўлади, бундан жуда хурсандимиз. Янги йилда “Заврақ” ва “Сой-бўйи” кўчаларини асфальт қилиш масаласи ҳозир жуда муҳим. Кутубхона ва спорт заллари ҳам ташкил қилинса, яхши бўларди. Маҳалламиз ободлиги учун ташаббуслар кўп бўлишини хоҳлардим.

Ўртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

“ЎЗ УСТАХОНАМ, ИШХОНАМ БЎЛАДИ...”



Азизахон САЛИМОВА, ҳунарманд:

Расм чизишга, ҳунармандчиликка жуда қизиқаман. Ранг-тасвир, кулолчилик, наққошлик жону дилим. Шу йўналишда ижод қиламан, чиройли санъат асарлари яратишга интиламан. Қадим ва навқирон Бухоронинг ўтмиши, бугундан сўзлайдиган чизгиларим, ижод маҳсулим ҳам жуда кўп. Уларни кўриб завқланаман, ишимга иштиёқим янада ошади.

Онам билан турли буюмлар, либослар, жойнамозлар ва сўзанааларга нақшлар тикамиз. Бу-

юртма асосида ишлаш баробарида ижод билан ҳам шуғулланаман. Ҳозир ҳунаримдан яхши даромад топяман. Чизаман, ясайман, янги гоёлар яратаман. Ҳамиша янгилик яратишга интиламан. Одамлар ноодатий нарсаларга қизиқишади, бугунги замонда харидорларни хайратга солиш мушкул. Шунинг учун тинмай изланаман.

Маҳсулотимни асосан сайёҳлар сотиб олади. Шунингдек, савдогарлар буюртма қилишади. Ҳозир уйда ишлайман. Янги йилда режаларим жуда кўп. Келаси йилдан ўз устахонам, ишхонам бўлади, ҳозир шу мақсад учун ҳаракат қиляпман. Кредит олиб, устахонам фаолиятини йўлга қўйсам, 2-3 нафар тенгдошларимни ҳам ёнимга қўшишни, иш билан таъминлашни ният қилганман. Вилоят банкларидан келишиб, бу масалада маблағ ажратилишини ваъда қилишгани. Янги йилда улардан яхши хабарлар кутяпман.

Янги йилдаги яна бир режани амалга оширишим керак. Яъни, хориз тилларини ўрганмоқчиман. Устахонамни ишга туширсам, бу ерга туристлар кўп келади, улар билан мулоқот қилишим учун хориз тилларини билишим керак. Барча тенгдошларимни эшик қоқайтган янги йил байрами билан табриклайман. Яхшидан-яхши орзулар қилайлик ва улар амалга ошаверсин!



ҲИСОБДОРЛИК ЖАВОБГАРЛИКНИ ОШИРАДИ

Алишер ПАРДАЕВ,
Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси:

Ишончим комилки, кириб келаётган 2024 йилимиз 2023 йилга нисбатан кам бўлмайди, яхши янгиликлар янада кўпаяди, соҳаларда олиб борилаётган ишхоналар янада ҳосиятли ва самарали бўлади.

Жорий 2023 йилда ҳам кўп хайрли ишларни амалга оширдик. Вилоятдаги депутатларимиз ташаббуси билан 30 дан ортиқ масала сессияларда кўриб чиқилди. 20 дан ортиқ масала доимий комиссия йўналишларида, 30 дан ортиқ масала партия гуруҳларида муҳокама этилди. Сайловчиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган 140 дан ортиқ масала юзасидан тегишли ташкилотлар мутасаддиларига депутатлик сўровлари юборилди. Бугунги кунга қадар уларнинг 82 таси ечимини топди. Шунингдек, 22 марта ижро ҳокимияти вакиллари ҳисоботлари эшитилди.

2023 йилда депутатларимиз фаоллиги сезиларли даражада ошди, фаолиятимиз анча сермахсус бўлди, дейиш мумкин. Олдимизда ҳали муҳим вазифалар турибди. Янги тахрирда қабул қилинган Конституциямиз асосида давлат органлари фаолиятида очиқлик, шаффофлик ва ҳисобдорликни кучайтириш, давлат ҳокимияти фаолияти устидан халқ назоратини кучайтиришга қаратилган ишларимизни янада кенгайтирмоқчимиз.

Ўзгаришлар, янгиланишлар сабаб бу йил кўп нарсани тушуниб, англаб етдим. Яна бир ёшга улғайдик, тажриба орттирдик. Янги йилда депутатлик назоратини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олдик. Чунки назорат кучайган жойда масъулият бўлади, ҳисобдорлик жавобгарликни оширади. Бу – ҳаёт қонуни.

Яна бир муҳим масала. Аҳолининг қарийб 55 фоизини ёшлар ташкил этади ва ҳар йили меҳнат бозорига 600 мингдан ортиқ ёшлар кириб келмоқда. Албатта, бундай демографик ўсиш биз учун ҳам имконият, ҳам жуда катта масъулиятдир. Ёшлар билан кўпроқ ишлаш керак, деб ўйлайман. Аввало, улар иш билан таъминланишини хоҳлайман. Қишлоқларда кутубхоналар ташкил қилиш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилишга эътиборни кучайтириш лозим.

Ўғриси, ҳозир кўпчилик ёшлар телефон, интернетда асосий вақтини ўтказишади. Ахборот асрида яшаймиз, бунга чеклаб бўлмайди. Лекин ота-оналар билан келишган ҳолда, ҳамкорликда фарзандларимизни кутубхонага жалб қилиш чоралари кўриلسа, мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, ҳудудларда, чекка қишлоқларда ҳам “smart kutubxona”ларни кўришни истардим. Болаларимиз бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни китобга қизиқтириш бўйича қизиқарли акцияларни кўпайтирсак, бу бугунимиз учун ҳам, келажгимиз учун ҳам яхши бўлади, менимча.

Кириб келаётган янги йилдан мақсадларимиз, орзуларимиз катта. Мамлакатимиздаги ҳар бир инсон ҳаётидан мамнун, бахтли яшашга ҳақли.

ОИЛА ПСИХОЛОГИ КЎПАЙСИН, ДЕЙМАН...



Нилуфар САНГИРОВА, Жиззах давлат педагогика университети ўқитувчиси, ХДП аъзоси:

2023 йил ҳаётимда яхши янгиликларга бой бўлди. Ўзбекистон Миллий университетини тамомладим, магистр даражасига эришдим. Ўзим яхши кўрган касбимда иш бошладим. Албатта, янги йилда ҳам янгидан-янги ютуқлар, орзу-мақсадларим рўёбини кутяпман.

Аҳолининг нафақат ҳуқуқий, тиббий саводхонлигини ошириш, балки ишда ва оилаларда уларнинг ўзаро муносабатларини бир маромда кечиши учун ҳам психологлар ёрдами зарур. Шунинг учун ҳозирги пайтда психолог хизмати талаб, эҳтиёж мамлакатнинг барча ҳудудларида ортиб бормоқда, шунга яраша амалиётчи-психолог фаолияти тобора кенгаймоқда. Ахборот технологиялари асрида яшаймиз. Хоҳлаймизки, йўқми, интернет, виртуал олам кўпчиликнинг ички дунёсига, руҳий оламига таъсир қилади, айниқса, ёшларнинг.

Аввало, мамлакатимиздаги барча фуқаролар, оилаларда тўғридан-тўғри оила психологларига мурожаат қила олиш механизми йўлга қўйилишини хоҳлардим. Шунингдек, ҳар бир аҳоли яшаш пунктларида оила психологлари маслаҳат маркази очиш учун уларга ваколат берилса, мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлайман. Бунинг учун албатта, психологларга марказлар очиш учун имтиёзли кредитлар берилса, ҳам иш ўрни яратилади, ҳам оилалардаги муаммоларни вазиятлар бартараф этиларди. Чунки оила психологи нафақат оилавий низола ва муаммоларни, балки инсоннинг шахс сифатида юксалиши, ўз ишини кўрқмай бошлаши учун руҳлантурувчи, кишининг ўзига ишончини оширадиган мутахассислардир.

Бундан ташқари, “Ёшлар дафтари”га киритилган вақтинча ишсиз ёшларга психологик ёрдам кўрсатиш ишларини янада кучайтириш керак. Психологлар маҳаллаларда ёшлар, хотин-қизлар билан тез-тез учрашувлар ўтказиши керак, уларни тинглаши керак. Бу масалага қанчалик жиддий ёндашсак, жамиятда хулқ-атворида салбий иллатларга мойил, ижтимоий меъёрларни қабул қилолмастик хоҳиши, хатти-ҳаракатларини назорат қила олмайдиган болалар яхши томонга ўзгаради. Аёлларнинг ўзига ишончи ортади, қанчадан-қанча оилалар ҳаётини изга солади.

Кириб келаётган янги йилдан мақсадларимиз, орзуларимиз катта. Мамлакатимиздаги ҳар бир инсон ҳаётидан мамнун, бахтли яшашга ҳақли. Юртдошларимиз тинч-тотувликка, ҳамжиҳатликка, ёш оилаларнинг бошқаларга ўрнатилган даражада тинч-тотув яшашлари, ишсизлик даражасини камайишини жудаям истайман.

Янги йилда барча орзуларимиз амалга осин. Оилаларни тинчлик, хотиржамлик тарқ этмасин!



ЙИЛ БЎЛСИН!

ИШСИЗЛИК КАМАЙИШНИ HOҲЛАЙМАН



Шухрат ЮСУПОВ,
халқ депутатлари Яқкабоғ туман кенгаши депутати:
- 2023 йилда ўз сайлов округимда амалий ишларни амалга оширдик. Жумладан, "Мезазор" МФЙ ҳудудидаги "Маҳматмўмин ота" қабристонини ободонлаштириш бўйича ташаббусим билан очик бюджет платформаси орқали 750 млн. сўм ютиб олинди.
Шунингдек, ушбу маҳалладаги тупроқли йўллارни кумшага билан текислаштирдик. Жорий йилнинг август ойида "Каттабоғ" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисини қийнаб келаётган тоза ичимлик суви

муаммолари ҳал этилди.
Ўтиб бораётган йилда сайлов округимда 400 нафардан ортиқ сайловчилар билан учрашувлар ўтказдим. Муаммоларни очик-ойдин таҳлил қилдик, аҳолининг таклиф ва мулоҳазаларини ўргандик.
40 дан ортиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларга соғлигини тиклаш ҳамда жарроҳлик амалиёти учун, моддий таъминот учун туман "Саховат ва кўмак" жамғармаси орқали бир марталик моддий ёрдам берилишига кўмаклашдик. Шунингдек, 13 нафар ногиронлиги бўлган фуқароларга аравача ва бошқа турдаги реабилитация воситалари олиб берилди.
2023 йил мен учун жудаям омадли, баракали йил бўлди. Вилоят миқёсида ўтказилган "Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг энг фаол депутати" кўрик-танловида қатнашиб "Энг шижоатли ёш депутат" номинацияси соҳиби бўлдим. Сентябрь ойида "МДХ етакчилари" халқаро илмий-амалий танловида ғолиб бўлиб, эсдалик кўрак нишонини билан тақдирландим.
2024 йилда ҳам катта мақ-

садларни олдимга қўйдим. Иш ўринлари кўпайишини, одамларимизнинг даромади ошишини хоҳлайман. Шундан келиб чиқиб, сайлов округимдаги 100 дан ортиқ ишсиз хотин-қизларни бозор талабидан келиб чиқиб, касб-хунарга ўқитишни режалаштирдим. Янги йилда ишлашга иштиёқи бор, қайсидир касб-хунарга қобилиятли йигит-қизларни фаол қўллаб-қувватлашни режа қилдим. Маҳалларда косибчилик, сартарошлик, тикувчилик ёки бошқа хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланса, бу орқали нафақат иш ўрни яратилади, балки ўша ҳудудда инфратузилма ривожланади.
Албатта, шахсий ҳаётимда ҳам янги режаларим бор. Ушбу йилда ёшларга берилган кенг имкониятлардан фойдаланиб, янги, шинамгина на уй-жойли бўлдим. Ҳозирда шу янги уйда турмуш ўртоғим ва 4 нафар фарзандим билан чиройли, бахтли оила бўлиб яшаб келяпмиз. 2024 йил автомашинали бўлишни ният қиляпмиз.
Республикамизнинг барча фуқароларига 2024 йил 2023 йилдан-да омадли келишини тилайман.

ЯНГИ ЙИЛ САЙЛОВ ЙИЛИ!



Шохруҳ ЎКТАМОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бош маслаҳатчиси, Ёшлар парламенти аъзоси:
- Ўзбекистонда сиёсий партиялар учун кириб келаётган йил синовли бўлади. Ўз электорати манфаатларига дахлдор масалаларга кўпроқ урғу қаратишга бел боғлаш имкониятини яратади. Келаси йил мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоятлар, туман (шаҳар) Кенгашилар депутатлигига сайловлар бўлиб ўтади.
Агар дунё тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, туб бурилиш даврида кўпгина давлатларда конституциявий ислохотлар амалга оширилганини кўраимиз. 2023 йил юртимизда муҳим сиёсий жараёнлар бўлиб ўтганининг гувоҳи бўлдик.
Келгуси сайловлар янги тартибда, Қо-

нунчилик палатаси депутатлари сайлови аралаш сайлов тизими асосида ўтказилиши сиёсий партиялардан рақобатбардош муҳитда сайловолди дастурлари ҳажмига эмас, кўпроқ амалига қараб иш кўришни талаб этади. Бу сафар аънавий сайлов бўлмайди. Бизга аънава эмас, келажак лозим. Бу фикрни ҳар бир номзод чуқур ҳис этиши муҳим. Аслида парламент ёки Кенгашлар эмас, балки инсонлар ҳаракат қилади. Қонун ҳеч нарсани бажармайди ва ҳеч нарса учун жавобгар эмас. Уни ишлаб чиққан ва маъқуллаганларгина жавобгар бўлади.
Сайловларда реал ҳаёт инobatга олинмас, сиёсат бўлмайди. Рақобат кучсизлиги жамиятни ҳам кучсизлантиради. Сайловлар ҳақиқий ҳаётдан узилса, виртуаллашув кучайиб боради. Бу жамиятда сиёсий партиялардан кўра, онлайн жамиятлар кўпайишига замин яратади. Бунинг олдини олиш учун сиёсатчиларнинг айтган фактларини сайловчи текшириш имкониятига эга бўлиши лозим.
Шунинг учун 2024 йил ҳар доимгидан-да фаол бўлишимиз зарур. Дастур ва лойиҳаларимизни ҳаёт талабларига қараб кучайтиришимиз лозим. Бунга ҳар томонлама тайёргарлик кўрилоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ёшлар фундаментал ўзгаришларни кўришни исташади.
Ислохотлар самарасини таъминлашда фаол иштирокчи бўлаётган барча юртдошларимизни янги йил билан кутлайман. Хайрли ва эзгу ташаббусларимиз кўпаяверсин!

2024 ЙИЛ ЯНАДА ХОСИЯТЛИ ВА САМАРАЛИ БЎЛСИН!



ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИ ЯНАДА ОШИШНИ ИСТАЙМАН

Қувондик БИСЕНГАЛИЕВ,
Қонлиқўл туман тиббиёт бирлашмаси шифокори, халқ депутатлари Қонлиқўл туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:
- Янги йилдан ҳаммамиз аввало кўп яхши нарсалар кутамиз. Аввало, тиббиёт соҳасида янада яхши ўзгаришлар бўлишини истаймман.
Тўғри, бугун юртимиз тиббиётидаги ижобий ўзгариш ва янгиланишларни мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ўз ҳаётида, турмуш тарзида ҳис этиб турибди. Аммо таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, бу борада қилиниши керак бўлган ишлар ҳам кўп, аслида.
Туманимиз Нукусдан 95 км. олисда жойлашган. Бу ерда 53 минг нафардан ортиқ аҳоли яшайди, 7 та қишлоқ-овулимиз бор. Уларга сифатли тиббий ёрдам керак.
Давлатимиз раҳбари аҳолининг малакали ва сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш зарурлигини кўп айтадилар. Шундан келиб чиқиб, қатор хайрли ташаббуслар ҳам амалга ошяпти. Ана шулар қаторига бизнинг ҳудудда, 2 та овулимизда оилавий шифокорлик пунктлари ташкил этилишини хоҳлайман. Бу туманимиз аҳолиси учун жуда яхши янгиллик бўларди. Боиси, тиббиёт муассасаси баъзи ҳудудларга олислик қилиб қолган. Саломатлик билан боғлиқ ҳар хил ҳолатлар бўлади. Автоулови борлари бор, йўқлари бор. Йўл олис бўлса, бир неча дақиқада ҳам муҳим бўлган вазиятлар туғилиши мумкин. Шундай пайтларда ўз ҳудудидаги тиббий муассаса асқотади-да. Келгуси йилда тиббиётни аҳолига янада яқинлаштириш чоралари кўрилса, яхши бўларди. Шунда малакали тиббий ёрдамга муҳтож бўлганлар ортиқча вақт ва маблағ сарфлаб, овора бўлиб юрмайди.
Шунингдек, яшаш ҳудудида сифатли амбулатор ва стационар тиббий хизматларни олиш учун шароит кенгайтирилишини хоҳлайман. Чекка ҳудудлар ва овулларда ҳам тиббиёт соҳасини рақамлаштириш вақти келди, деб ўйлайман. Тиббиёт бирлашмамизга замонавий тиббий ускуналар, яхши мутахассислар керак.
Тўғри, кейинги йилларда барча ҳудудларда бўлгани каби бизда ҳам тиббий хизмат яхши томонга ўзгарди, эскирган тиббий аппаратуралар янгиларига ўзгартирилди. Бизга асосан тор мутахассислар етишмайди. Келгуси сақимизга етук кадрлар қўшилишини кутиб қоламиз. Зеро, одамлар биздан, тиббий хизмат сифатидан ҳамаша рози бўлсин.
Барчага сиҳат-саломатлик тилайман, ҳеч ким касал бўлмасин!



Мавлуда ЧОРИБЕВА,
Жондор туманидаги 32-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси, тикувчи:
- Бу йилда эришган натижаларимни йил бошида ҳаёлимга ҳам келтирмагандим. На-

тижалар жуда яхши, мен бир нарсага яна амин бўлдимки, ҳаракатлар эртами-кечми, албатта, натижасини беради. Ўқувчиларимиз фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этишди, республикамизнинг нуфузли олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди. Устозга шогирдининг ютуқ ва зафарларини кўришдан ортиқ бахт бўлмас керак.
Шахсий ҳаётимизда ҳам яхши янгилликлар бўлди. Ишимдан ташқари чеварчилик билан ҳам шуғулланаман. Маҳалламиз марказида ўз устахонамиз бор, бу ерда шогирд қизлар билан буюртма асосида кийим-кечаклар тикамиз. Иш ҳажми ошиб, буюртмалар анча кўпайди.
2 нафар фарзандим бор, ҳозир уларнинг яхши ўқиши учун бор куч ва имкониятларини сафарбар қиляпман. Фарзандларим ўқимишли бўлишини хоҳлайман. Шароит ва имкониятлар етарли, ҳамма гап эътибор ва қўл-

лаб-қувватлашда.
Албатта, янги йилдан ҳам умидларимиз анча катта. Қишлоғимиздаги тикувчиликка, чеварчиликка қизиқиши бор қизларни жалб қилиб, тикув цехи очиб қилиш ниятидаман. Бунинг учун бино бор, керакли маблағни йўналтириб, тикув машиналари олсак бўлди. Яқинда депутатимиз билан шу масалада гаплашдик, ишимизнинг ҳуқуқий томонларини маслаҳат қилдик.
Кўп нарса кишининг ҳаракатига боғлиқ, аслида. Елиб, юрган одам кам бўлмайди. Имтиёз ҳам, имконият ҳам бор. Қанчадан-қанча имтиёзли кредитлар бор, булар ким учун, албатта биз учун, фаровонлигимиз учун. Фақат улардан оқилона фойдалансак, марра бизники.
Юртдошларимизни янги йил билан кутлайман. Хонадонлардан тинчлик-хотиржамлик, бахту саодат ва фаровонлик аримасин!



2024 ЙИЛДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ОРАСИДА ЗАМОНАВИЙ СОҲА ВАКИЛЛАРИНИ КАШФ ЭТАМИЗ!



Роҳила АБДУҚОДИРОВА,
Тошкент вилояти Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари, халқ депутатлари Ангрэн шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

- 2023 йилда янгилликлар янгилликларга, яхшиликлар яхшиликларга уланди. Хусусан, хотин-қизлар манфаатини ҳимоя қилиш, аёлларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини мустақкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.
Муаммоларга ечим топиш тизими янада осонлашди, ҳаётда ўз ўрнини топишга қийналаётган опа-сингилларимизга яқиндан кўмак берилаяпти. Уларнинг ўқиши, ишлаши, саломатлиги, оиласи учун шароитлар яхшиланмоқда. Уй-жойсиз, ишсиз аёлларга қанча имтиёзлар, имкониятлар берилди. Гендер тенглик масалаларида ҳам қатор эътиборга молик ишлар қилинди, натижада аёлларнинг жамиятдаги мавқеи ҳам ошиб бормоқда, сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги тобора юксалиб борапти.
Куни кеча давлатимиз раҳбарининг "Оила ва хотин-қизлар кўмита-

сининг фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони қабул қилинган ҳам бу борадаги саъй-ҳаракатларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамиятга эга бўлиши аниқ. Ушбу фармон мамлакатимиздаги ҳар бир хотин-қизлар қаторида мени ҳам жуда қувонтирди.
Фармонда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, гендер тенглик, давлат ва жамият бошқарувида хотин-қизларнинг нуфузини ошириш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор берилгани мамлакатимиздаги ҳар бир аёлнинг кўнглидаги гап бўлди, десам тўғри бўлади.
Шундай имкониятлардан фойдаланиб, биз ҳам кириб келаётган 2024 йил учун бир қатор янги вазифаларни олдимизга қўйдик.
Хусусан, таълим ва фан соҳасида ютуққа эришган аёлларимизнинг тажрибаларидан фойдаланиб, қизларимизнинг яхши таълим олиши учун кенг қўламли тарғибот ишларини кучайтирмоқчимиз. Келгуси йилда асосий мақсадимиз хотин-қизлар орасида олималар, ихтирочилар, инженер-технологлар, лидер-тадбиркорлар, замонавий соҳа вакилларини кашф этишдир.
Янги йилда қалбимизда ин қурган эзгу ниятларимизнинг ҳаммаси амалга ошин!

* * *

Мақсадлар, ниятлар катта. Ҳамма орзусига эришсин, кутгани амалга ошин. Энг асосийси, янги йил яхши йил бўлсин!

Қўш саҳифани "Ўзбекистон овози" муҳбири Лазиза ШЕРОВА тайёрлади.

SARHISOB



ТАҲЛИЛЛАР, ТАКЛИФЛАР

ҲАР ЙИЛИ ДЕКАБРЬ ОЙНИНГ ОХИРГИ КУНЛАРИ ЎТИБ, КАЛЕНДАРЬ САНАСИ ЯНВАРГА ЯҚИНЛАШГАНИ САЙИН НИМАЛАР ҚИЛДИГУ ҚАНДАЙ ИМКОНИАТЛАР БОЙ БЕРИЛДИ, ДЕГАН САВОЛ БИЛАН ЎТГАН УМРИМИЗ САРҲИСОБИ ҲАЁЛДАН ЎТАВЕРАДИ. ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҲАМ АНА ШУНДАЙ САВОЛЛАР БИЛАН 365 САҲИФАЛИК КИТОБНИ ОРТГА ВАРАҚЛАШГА ҲАРАКАТ ҚИЛДИ.

12 ОЙНИ ЎЗ ИЧИГА ЖАМЛАГАН 2023 ЙИЛ, УМУМИЙ АЙТГАНДА, ЖУДА СЕРМАЗМҮН ВА СЕРАСОСҲУЛ БЎЛДИ. ТАБИЙИКИ, МАМЛАКАТДАГИ МУҲИМ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ САНАБ ЎТИШ ЖОИС.

МУРОЖААТНОМА АСОСИДА

Яхши ниятлар, катта режалар билан январни қарши олган партия масъуллари ҳамда унинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари Мурожаатномада белгиланган вазифалар ижроси бўйича ўзларига чора-тадбирлар ишлаб чиқди.

Хусусан, Президентнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида белгиланган 6 та устувор йўналиш бўйича келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалардан келиб чиқиб, йўл харитаси белгилаб олинди.

Ихчам ва самарали давлат бошқарув тизимига ўтиш бу Мурожаатномадаги биринчи устуворликдир. Бу борада амалга ошириладиган ислохотлардан кўзланган бош мақсад эса "инсон қадри учун", "халқни рози қилиш", деган тамойилга асосланади. Яъни, ҳар бир қарор ва тасдиқланадиган ҳар битта меъёрий ҳужжатда инсон манфаатлари устуворлиги таъминланади. Зеро, бу демократик давлатнинг асосий шартларидан бири саналади.

Февраль ойига келиб вазирликлар фаолияти ислохот қилинди, уларнинг сони қайта кўриб чиқилди ва қайтарилди. Бу нима беради, деган саволга парламент вакиллари "давлат хизматчилари сонини босқичма-босқич қисқартириш, ҳар бир вазирнинг масъулияти ва жавобгарлигини кучайтиришга хизмат қилади", деган фикр билдирди. Яна бир масала борки, бу вазирлик ва идоралар сони билан эмас, унинг очқиллиги ва шаффофлигини таъминлаш билан боғлиқдир.

Вазирликлар фаолиятида очиқлик, қонунийлик, натижадорлик ва сифат асосий мезон бўлиб, коррупциявий хавф-хатарларнинг олди олиниши муҳим саналади. Шундан келиб чиқиб, барча соҳаларни рақамлаштириш механизми бошлаб юборилди. Ушбу бошқарув соҳасидаги ислохотлар натижасида тежаб қолинадиган маблағлар ижтимоий масалаларни ҳал этишга йўналтирилиши партиянинг фаоллари ва тарафдорларини мамнун қилди.

ЭЛЕКТОРАТ НАВБАТИ

Февраль ойида партия электорати манфаатларига хизмат қилувчи яна бир муҳим воқелик қайд этилди. Давлатимиз раҳбари ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорни имзолади. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат билан ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ҳаётида тенг равишда иштирок этишлари учун зарур шароитлар яратилди деган бўлди. Ҳужжатнинг эътиборга молик жиҳати, давлат хизматларидан фойдаланишда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматлари марказлари, тиббиёт, таълим, маданият муассасаларида фуқароларнинг бевосита ҳозирлигида кўрсатиладиган хизматлардан навбатсиз фойдаланиш ҳамда давлат идоралари раҳбарлари (мансабдор шахслари) қабулига навбатсиз кириш бўйича имтиёз берилши қайд этилди.

КОНСТИТУЦИЯНИ ЯНГИЛАШДА ФАОЛ ИШТИРОК

Март ойидан узоқ қутилган ўзгаришга қизгин тайёргарлик, тарғибот тадбирлари бошланди. Гап шундаки, халқимизнинг ўзи ижодкори бўлган янгиланган Конституцияни қабул қилиш билан боғлиқ сиёсий жараёнга расман старт берилди.

Халқ демократик партияси Бош қомусимизда дастурий ғоя ва мақсадлари акс этиши учун тизимли иш олиб борди. Кўп минг сонли аъзоси ва электорат вакиллари эга партия масъуллари халқ билан мулоқотлар ўтказиб, уларнинг таклиф-мулоҳазаларини олди. Ишчи гуруҳларда бир неча босқичда умумлаштирилган яқиний таклифларни Конституцияда акс эттириш чоралари кўрилди.

Ниҳоят, 30 апрель санаси. Халқимиз ҳамда жамиятимиз ҳаётида туб ўзгаришлар, яхши ва янги ташаббусларга замин бўлувчи Конституция учун овоз берилди, қабул қилинди.

Кенг жамоатчилик таклифлари, фикр-мулоҳазалари, шунингдек, халқаро умумэтироф этилган меъёрларга асосланган Бош қонуни-мизда давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ меъёрлар 3 баробарга кўпайди. Ижтимоий давлат моделини амалга ошириш механизми белгиланди. Уларда мавжуд ресурсларни ижтимоий адолат тамойиллари асосида тақсимлаш, жамиятда кучли табақаланиш авж олишига йўл қўймастик, камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, ишсизликдан ҳимоя қилиш бўйича давлат ўзига қатор мажбуриятларни олиши белгиланди. Ушбу мақсадлар Халқ демократик партиясининг устувор мақсадларига ҳам оҳангдир.

АЪЗОЛАР САФИ КЕНГАЙДИ

Жорий йилдаги яна бир муҳим сиёсий воқелик Президент сайлови бўлиб, унда Халқ демократик партияси муносиб иштирок этди. Жойларда тарғибот тадбирларини ўтказди, фуқаролар, электорат вакиллари кўллаб таклифлар олди.

Партия ташкилотлари ва депутатлик бир-лашмалари фаолият самарадорлигини янада ошириш, куйи партия ташкилотлари ишини тубдан жонлантириш борасида ҳам алоҳида чора-тадбирлар йўлга қўйилди. Партиянинг мамлакатдаги ислохотларга ижобий таъсирини кучайтириш, сайловчилар ва электорат вакиллари йўлантираётган муаммоларни ҳал этишга қаратилган 120 дан ортиқ қарорлар қабул қилинди.

Табиийки, ҳудудлар бўйича белгиланган вазифалар ижроси билан боғлиқ рақамларда ҳам ўзгаришлар бўлди. Уларнинг айримлари кишини хурсанд қилса, баъзилар фаолиятига масъулиятсизлик билан қараган, деган тўхтама келиш мумкин. Демак, келгуси йил режалари ана шу натижа ва камчиликлардан келиб чиқиб белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлади, назаримизда.

Кайфиятни туширишга шошилмаслик керак. Партиянинг хайрихоҳлари кўпаймоқда.

Бунга сабаб ХДП кейинги йилларда ўзининг асосий дастурий мақсад ва вазифалари, иш услуби ҳамда фаолият самарадорлигини ошириш борасидаги муҳим қарорларни қабул қилди. Йилига ўртача 25 мингга яқин юрдошимиз партия сафидан жой олмақда. Жорий йилги кўрсаткич умумий аъзолар сони 580 мингга яқинлашганини қайд этмоқда. Албатта, бундай рақамлар нафақат қувонтиради, балки уларни янада масъулият билан ишлашга, янги ташаббусларни амалиётга татбиқ этишга ундайди.

ДЕПУТАТЛАР ФАОЛЛИККА РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Халқ демократик партиясининг энг фаол депутатини аниқлашга қаратилган танлов эълон қилинган эди. Йил давомида босқичма-босқич ўтказилган беллашува кўп сонли халқ вакиллари ўз билим ва кўникмаларини синовдан ўтказишга эришди. Унутилганлар хотирада қайта жонланиб, билмаганлар ўрганилди. Заковат ўсди, амалий ишларга кўпроқ вақт ажратилди. Танлов нафақат депутат, балки сайловчилар учун ҳам бирдек манфаатли бўлди.

Декабрь ойи бошида қадим Бухоро заминиде ўтказилган танловнинг республика босқичида ғолиблар аниқланди. Аслида, депутатлик на касб ва на мансаб. Депутатлик халқ билдирган ишонч ва масъулият демекдир. Кўрик-танлов ана шу масъулиятни янада мустаҳкамлашга, ўзаро тажриба алмашишга хизмат қилганини иштирокчилар ҳам бот-бот такрорлади.

Депутатларга ҳақиқий баҳони халқ беради. Ўз ишини виждонан бажариш, вазифасини яхши англаш депутатликнинг асосий шартларидан. Энг фаол депутатни аниқлашга қаратилган лойиҳа билан халқ вакиллари рағбатлантириш, янги ташаббусларга руҳлантириш кўзда тутилган эди ва ўз мақсадига эриша олди, деб ўйлаймиз.

ҲАЁТИЙ ЛОЙИҲАЛАР

Партиянинг электорат манфаатлари ҳимоясига қаратилган бир қанча лойиҳалари бор. Йил давомида "Маҳаллада камбағал оилалар сонини қайтариш", "Депутат маҳаллада", "Яхшилик ва хайрия" каби лойиҳа ҳамда акциялар ўтказилди. Партия Сайловолди дастурида илгари сурилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Мазкур лойиҳалар натижасида одамлар орасига янада чуқур кириб боришга эришилди. Аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, камбағалликни қисқартириш билан боғлиқ юзлаб мурожаатни ҳал қилишга эришилди. Депутатлар фуқаробай, хонадонбай аҳоли муаммоларини ўрганиш мақсадида 300 га яқин сайёр қабул ўтказди.

Тўғри, мурожаатларнинг ҳаммаси ҳал этилди, ишлар "беш", дейиш фикридан йироқмиз. Аммо ҳаракат бор, ўзгариш бор.

Бу партия ташкилотлари қошида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналарига келган мурожаатларда ҳам ўз ифодасини топган. Гап шундаки, қабулхоналар ва партия ташкилотлари етакчиларининг сайёр қабуллариде 12 мингдан ортиқ турли мазмундаги мурожаат бўлган. Мутасаддиларни жалб қилган ҳолда, уларнинг 87 фоизи ижобий ечим топган. Вақт ва маблағ талаб қиладиган каттароқ масалалар назоратга олинган.

"Маҳаллада камбағал оилалар сонини қайтариш" лойиҳаси билан 2 201 оилга кириб борилди. "Аёллар дафтари"га киритил-

ган 238 нафар хотин-қизнинг мурожаати ҳал этилди. Бу каби рақамларни ҳали давом эттириш мумкин. Лекин асосий масала партия фаоллари ва депутатлар қўл қовштириб ўтирмади. Белгиланган вазифалардан ташқари кундалик ижтимоий масалалар, одамларнинг оғирини енгил қилиш билан боғлиқ ишларга ҳам бош қўшди.

Кимдир бошпанали, яна биров ишли бўлди. Қайсидир маҳаллага сув келган бўлса, яна бир ҳудуддаги хавфли симёғочлар янгиланди. Умуман, йил давомида нафақат ҳудудлар, балки кўнгилларни обод қилиш ҳам устуворлик касб этди. Одамларнинг розилиги эса ишга барака улашиши турган гап.

Халқ демократик партиясининг асосий ғоялардан бири муҳтожни ҳимоялашдир. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аҳоли, шунингдек, ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш, ҳолидан хабар олиш мақсадида республика бўйлаб "Уйма-уй" лойиҳасини амалга оширилмоқда. 15 мингга яқин хотин-қизнинг ҳолидан хабар олинди. Уларни қийнаб келатган 5 минга яқин масала аниқланиб, ҳал этиш чоралари кўрилди. Қувонарлиси, 200 дан ортиқ опа-сингилларимизнинг ўйли бўлишига ҳисса қўшилди. Демакки, шунча оиллага хотиржамлик, қувонч улашилди.

Амалга оширилаётган ишлар барчаси аввало одамларга меҳр улашиш миссиясини бажарган бўлса, иккинчидан, оилаларнинг фаровонлигига озми-кўпми ҳисса қўшди. Партия тизимида "Меҳр улашайлик" лойиҳаси ҳам йўлга қўйилган бўлиб, 4210 нафар кекса, ногиронлиги бор, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд оилаларнинг ҳолидан хабар олинди.

Буларнинг ўзигина эмас, албатта. Партия тизимида сайёр қабуллар ўтказишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жорий йилда 1000 яқин ана шундай қабуллар ўтказилди. Уларда минглаб фуқаронинг мурожаати тингланди. Муаммоларга ечим топиш чоралари кўрилди.

Шуни ҳам унутмаслик керак, одам бу дунёда яшар экан, унинг истаклари ҳам, эҳтиёжлари ҳам тугамайди. Яъни, жойлардаги муаммолар ҳал қилинаверади, янги масалалар эса кун тартибига чиқаверади. Ҳаёт шуниси билан қизиқ аслида. Айтилик, фасллар алмашади, мавсум ўзгаради. Бугун кимдир ўқувчи бўлса, эртага унинг ўзи ёш авлоднинг тарбиячисига айланади. Барча хатти-ҳаракатлар замирида ёшларга муносиб ҳаёт қолдиришдек мақсад муҳассам.

ЁШЛАРГА ЯНАДА ЯҚИНРОҚ

Партия ўз сафига фаол ва ташаббускор ёшларни жалб қилиб келаяпти. Бунда бир нечта лойиҳалар, хусусан, "Қонунчилик ёшлар нигоҳида" лойиҳасининг ўрни катта. Мисол учун, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси томонидан қўриб чиқилаётган қонун лойиҳалари ҳудудлардаги ёшлар сектори фаоллари иштирокида муҳокама қилинади. Унда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тарғиботи ва албатта уларни ўзгартириш билан боғлиқ таклифлар олинади.

Ўз сўзига эга ёшлар тенгдошларининг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари, уларнинг орзу-истакларидан келиб чиқиб, турли таклифларни билдирди, ташаббусларни илгари суради. Ноодатий тадбирлар, интерфаол усулдаги учрашувлар, лидерларни тайёрловчи махсус курслар натижасида 10 мингдан ортиқ йигит-қиз партия аъзоллигига эришди.

ЯНГИ ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСЛАРИ

Турли лойиҳалар, сайловчилар билан учрашувларда турли ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий масалалар ўрганилади. Қабуллар ва суҳбатларда муаммолар ечими, қонунларнинг ҳаётийлигини таъминлашга ҳисса қўлувчи фикрлар билдирилади. Буларнинг барчаси жам бўлиб қонунчилик ташаббусини илгари суриш ғоясига асос бўлади.

Шундан келиб чиқиб, яқинда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси 3 та қонун ташаббусини илгари суришга тайёргарликни бошлади. Таҳлилларга кўра, жойларда қишлоқ хўжалиги соҳасида (жамоа хўжалиги, давлат хўжалиги) ишлаб пенсияга чиққан шахслар, ўзгалар парваршишга муҳтож бўлган ногиронлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий манфаатларини таъминлашда ўз ечимини қутаётган айрим муаммолар мавжуд. "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг айрим моддаларига ўзгартириш киритиш орқали пенсия тайинлашдаги айрим масалаларга енгиллик бериш кўзда тутилган.

Шунингдек, дори воситалари рекламаси турли кўринишларда авж олаётгани, баъзи шифокорлар томонидан беморларга асосан қиммат дори воситалари тавсия қилинаётгани, дори воситалари нархлари сунъий ошиб кетаётгани, бундай салбий ҳолатлар барча юрдошларимизга зиён етказаяётгани, айниқса, кам даромадли оилалар қийинчиликларга дучор бўлаётгани кузатиляпти. Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида қонун лойиҳасини тайёрлаш устида амалий ишлар олдиборилмоқда. Ушбу йўналишдаги ишлар 2024 йилда ҳам самарадорлик билан давом эттирилиши кўзда тутилган.

Умуман олганда, йил ҳаётий ташаббусларга бой бўлди. Ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда катта ўзгаришлар кузатилди. Тўғри, ҳали қилиниши зарур бўлган ишлар оз эмас. Халқ демократик партиясининг катта ва аҳил жамоаси ҳамфикр, ҳамжихат бўлиб, 2024 йилда янада самарали ҳаракат қилишга интилади. Бўнинг учун куч, салоҳият, шижоат ва имкониятлар етарли.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон ХДП Ахборот хизмати раҳбари.**



«ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ТАРИХИДА ТУРКИСТОННИНГ ЎРНИ»:

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ҚАРДОШ ХАЛҚЛАРНИ ЯНГИ МАҚСАДЛАР БИЛАН БИРЛАШТИРДИ



Тили, маданияти, урф-одатлари ва дунёқараши бир-бирига яқин туркий халқларнинг аслида юраклари ҳам бир-бирига чамбарчас боғланган бўлади. Чунки улар қардошир, бир миллат, бир оилага мансубдир. Тарихни varaқлаганда ҳам туркий халқлар бирдамлиги, уларнинг буюк ўтмиши ва бой маданияти, азалий қадриятлари ҳақида сўзловчи кўпдан-кўп воқеаларга дуч келинади, умумий маданий алоқалар қадим ўтмишига бориб тақалгани яққол намён бўлади. Шу сабабдан ҳам тарихий ришталар, аъёнлар ва қадриятлар яқинлигини бугунги кунда ҳам мустаҳкамлаш муҳим масала.

Декабрь ойи бошида Тошкент шаҳрида Туркий давлатлар ташкилоти, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, Туркий давлатлар география кенгаши ҳамкорлигида "Туркий халқлар тарихида Туркистоннинг ўрни" мавзусида халқаро конференция ташкил этилган эди.

Туркий давлатлар ташкилоти, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ҳамда Туркий давлатлар география кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу анжуманда Туркия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Қирғизистон ва бошқа давлатлардан ташриф буюрган олимлар, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этиб, тарихий ришталарни янада мустаҳкамлашга қаратилган таклиф ва ташаббусларни илгари суришган эди.

Ушбу халқаро конференция туркий халқларнинг минг йиллар аввал шакланган тарихини янада чуқурроқ ўрганиш, сиёсий, иқтисодий, маданий, географик ўтмишини талқин қилиш, миллий-маданий ўзлигига таяниб муштарак тарихини, бирлик ва қардошлик ғоясига хизмат қиладиган манбаларни яратиш ва келажак авлод учун етказиб беришда аҳамияти катта бўлди.

Туркий давлатлар географик кенгаши бош котиби, иқтисод фанлари фалсафа доктори Ойбек Норинбаевнинг айтишича, шу йилнинг 3 ноябрь кунини Туркий давлатлар ташкилотининг Остона саммити «Туркий давр» шиори остида ўтказилиши Самарқанд саммитининг ўзига хос мантикий давоми бўлди. Саммитда Ўзбекистон Президентининг буюк аждод — қадимий турк давлати асосчиларидан бири Билга Хоқоннинг «Эй туркий элим, ўзлигинга қайт, ўзингни англа — янада юксалгайсан!» даъвати билан бошлаганлиги ҳам бежиз эмас.

— Саммит давомида қабул қилинган Остона Декларациясида Давлат раҳбарлари туркий давлатчилик ва тарих, туркий халқларнинг бой маданий меросини тараннум этишга қаратилган конференция ва форумлар ўтказилишини олқишлаганлари алоҳида таъкидга сазовордир. Шу маънода, ушбу тадбир туркий халқларнинг муштарак тарихини ўзаро англаш, миллий-маданий ўлик асосида бирлик ва қардошлик ғоясига хизмат қиладиган объектив манбаларни аниқлаш ва тадқиқ этиш ҳамда уларни келажак авлод учун етказиб беришга хизмат қилади.

Шунингдек, мазкур конференция ёшларимизга ота-бобларимиз тарихида буюк давлатлар барпо этганликларини хотирлатиш орқали уларда ифтихор туйғусини кучайтиришга туртки бўлади, деган умиддамиз. Қолаверса, туркий давлатлардан етук олимларни ўзида мужассас этган бу каби платформалар мутахассислар ва тарихчилар ўртасида ўзаро танишиш, маълумот ва тажриба алмашиш ҳамда истиқболда амалга оширилиши мумкин бўлган қўшма лойиҳалар

ҳақида келишиб олиш имконини беради.

Таъкидлаш лозимки, ушбу юксак мақсадларга мос равишда, жорий йилда яна бир муҳим қадам ташланди. Яъни, Ўзбекистон география жамияти ташаббуси билан Туркий давлатлар география кенгаши ташкил этилди. Мазкур кенгашнинг мақсад ва вазифалари ҳам умумий маконимиз ҳисобланган ушбу ҳудудларда ўзаро қардошлик, ҳамжихатлик ва яхши қўшничилик руҳида халқлар ўртасида ўзаро алоқаларни кенгайтиришдан иборат. Шунингдек, илм-фанни ёшлар орасида оммалаштириш ҳамда умумий тарихимизнинг муқаддас қадамжолари ва объектларига халқларимизни, аниқса ёшларимизни жалб қилган ҳолда география ва геотуризм соҳаларини ривожлантириш назарда тутилгани алоҳида эътиборга молик.

Ойбек Норинбаев 2024 йил февраль-март ойларида Туркий давлатлар ташкилоти билан ҳамкорликда Қорахонийларга бағишланган конференция ташкил қилиш режалаштирилгани ҳам алоҳида таъкидлаб ўтди ва йиғилганларни ушбу конференцияда ҳам фаол иштирок этишга таклиф қилди.

Халқаро конференциянинг амалий натижаси сифатида маърузачи олимларнинг ва иштирокчиларнинг илмий мақолалари алоҳида тўплам шаклида нашр этилиши келишиб олинди.

Конференция доирасида Туркий давлатлар география кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Туркий Давлатлар

котибияти ҳамда Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникация университети билан ҳамкорликда Туркий давлатларнинг бир қатор олимлари иштирокида "Туркий дунё хартияси"ни ишлаб чиқиш ва "Табаррук зиёрати" мавзусига бағишланган давра суҳбати ҳам ташкил этилди.

Мазкур давра суҳбати ҳам жорий йил Остона саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган «Туркий дунё хартияси» лойиҳасини тайёрлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида ўтказилди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари 3 ноябрь кунини Остонада бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти саммитида ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтиришга қаратилган қатор таклиф ва ташаббусларни илгари суриди. Хусусан, туркий халқлар бирдамлигини, уларнинг буюк ўтмиши ва бой маданиятини, азалий қадриятларини ифода этадиган Туркий дунё хартиясини ишлаб чиқишни таклиф қилди. Шу кунини конференция иштирокчилари ушбу масалада ҳам амалий таклифлар ишлаб чиқишга келишиб олишди.

Иштирокчилар Туркий давлатлар география кенгаши Туркий давлатлар ташкилоти ва Ўзбекистоннинг тегишли идоралари билан ҳамкорликда "Табаррук зиёрати" лойиҳаси бўйича юртимизда жойлашган муқаддас масканларнинг электрон харитасини тузиш ишларида ўз таклифлари билан қатнашишди.

Давра суҳбатидида Ўзбекистон география жамияти аъзоси, Ўзбекистон Миллий университети Картография кафедраси таянч докторанти Суннат Увайимов Ислон маданий мерос объектларининг интерактив веб хариталарни яратиш масалалари бўйича Ўзбекистон мисолида маъруза қилди.

Интерактив веб харита тест режимида ишга туширилган бўлиб, ундан фойдаланиш ва унинг интерфейс кўриниши давра суҳбати иштирокчиларига таништирилди. Бу дастурга эса ўз навбатида қардош давлатлар олимлари томонидан илиқ фикрлар билдирилиб, уни янада биргалликда такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилди.

Бўлиб ўтган тадбирлар туркий халқларнинг муштарак тарихини ўзаро англаш, миллий-маданий ўлик асосида бирлик ва қардошлик ғоясига хизмат қиладиган объектив манбаларни аниқлаш ва тадқиқ қилиш, тегишли таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни келажак авлод учун етказиб беришда катта аҳамиятга бўлди.

Шавкат ШАРИПОВ,
Ўзбекистон география жамияти
раиси ўринбосари,
география фанлари доктори.



ТАРТИБ-ҚОИДАЛАР

2024 ЙИЛДА

ҚАНДАЙ

ЯНГИЛИКЛАР БЎЛАДИ?

БИР НЕЧА КУНДАН СЎНГ ЯНГИ 2024 ЙИЛГА ҚАДАМ ҚЎЯМИЗ. ХЎШ, 1 ЯНВАРДАН МАМЛАКАТИМИЗ ҚОНУН-ЧИЛИГИДА, МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР КУЧГА КИРАДИ?..

ҲАММА УЧУН МУҲИМ ЯНГИЛИКЛАР БИЛАН ТАНИШИНГ, БИЛИБ ОЛИНГ.

МАКТАБ ДИРЕКТОРЛАРИ КАСБИЙ СЕРТИФИКАЦИЯДАН ЎТКАЗИЛАДИ

«Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармонида мувофиқ, 2024 йил 1 январдан мактаб директорларини ҳар 5 йилда бир мартаба касбий сертификациялаш тизими жорий этилади.

Бунда, сертификациядан ўта олмаган директорлар белгиланган тартибда лавозимидан озод этилади.

БОЛА ТУГИЛГАНДАН СЎНГ МАКТАБДА ОНЛАЙН ҲИСОБГА ҚЎЙИЛАДИ

1 январдан бола туғилганидан сўнг, доимий яшаш манзилидаги микроҳудудга бириктирилган мактабда онлайн ҳисобга қўйилади, мактабларнинг ҳар ўқув йили учун қабул режаси му.мактаб.uz электрон платформасида шакллантирилади.

50 МИЛЛИОН СЎМ ЎРНИГА 100 МИЛЛИОН СЎМ

«Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда микроолия хизматларининг ўрни ва улушини ошириш бўйича қўшимча чора-тад-

бирлар тўғрисида»ги Президент қарорига кўра, янги йилдан бошлаб микроқарзнинг энг юқори миқдори 50 миллион сўмдан 100 миллион сўмгача оширилади.

«ТЎСИҚСIZ ТУРИЗМ» ДАСТУРИ ИШГА ТУШАДИ

«Туризм йўналишидаги ислохотларни янада жадаллаштириш ва соҳада давлат бошқаруви тизимини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорига кўра, 2024 йил 1 январдан «Тўсиқсиз туризм» дастури ишга тушади. Бу ноғиронлиги бўлган шахсларнинг саёхат қилишлари учун қулай муҳит яратиш дегани. Дастур доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида минг нафардан ноғиронлиги бўлган шахсларнинг Ўзбекистоннинг туристик салоҳияти юқори бўлган шаҳарларига бепул саёхатлари ташкил этилади.

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР БЕРИЛАДИ

«Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори кўра, келгуси йилдан бошлаб ои-

лавий тадбиркорлик учун имтиёзли кредитлар берилади. Оилавий бизнесни ривожлантириш бўйича кредитлар 3 йилгача муддатга 6 ойлик имтиёзли давр билан йиллик Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада ажратилади.

БЕПУЛ ТИББИЙ ХИЗМАТ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

«Оториноларингология хизматини такомиллаштириш ва унинг қўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорига асосан, 2024 йилдан оториноларингология ва юз-жағ жарроҳлиги йўналишларидаги тиббий хизматлар имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатилишига рухсат берилади.

Яна бир муҳим маълумот, келгуси йилдан заиф эшитадиган болаларни кохлеар имплантация амалиётига тайёрларлик даврида қўшимча йилига камида 2000 та рақамли эшитиш мосламалари билан таъминлаш йўлга қўйилади.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

2024 йил 1 январдан бошлаб оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларни қайта касбга тайёрлаш харажатлари давлат томонидан қўллаб берилади.

ДАВЛАТ ТИББИЙ СУЎРТАСИ МЕХАНИЗМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Президентнинг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш

чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, келгуси йил 1 январдан бошлаб Тошкент шаҳрининг тиббиёт муассасаларида давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизматлар ҳажми ва дори воситалари рўйхатини амалиётга киритишни назарда тутувчи давлат тиббий суўртаси механизмида росқичма-росқич жорий этилади.

Ноғиронлиги бўлган шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация ҳамда дори воситалари билан таъминлаш ишлари «ваучер» тизими асосида росқичма-росқич ташкил этилади. Бунда, ноғиронлиги бўлган шахсларга товар ва хизматларни ўзлари танлаган етказиб берувчидан харид қилиш имконияти яратилади ва уларнинг харажатлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қўллаб берилади.

«ИЖТИМОЙ ХИЗМАТ ДАРЧАЛАРИ» ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

2024 йил 1 январдан бошлаб барча туман (шаҳар) Давлат хизматлари марказларида алоҳида «Ижтимоий хизмат дарчалари» ташкил этилади.

СУВНИ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР УЧУН КРЕДИТЛАР БЕРИЛАДИ

2024 йилдан бошлаб мамлакатимизнинг узок муддатли сув баланси проғнозини юритиш, сув ресурсларини тежаш дастурларини қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилади. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларига сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш учун

кредитлар 10 фоиз ставкада (фоиз ставкаларини субсидиялаш ҳисобига) ажратилади.

АЛЛЕРГИК КАСАЛЛИККА ЧАЛИНГАНЛАРНИНГ ЭЛЕКТРОН РЕЕСТРИ ЯРАТИЛАДИ

2024 йил 1 январдан аллергия ва иммунологик касалликларга чалинганларни давлат ингалляция ва бошқа махсус препаратлар билан таъминлайди. Аллергик касалликка чалинганларнинг электрон реестри 1 апрелгача шакллантирилади.

ПЕНСИЯНИ МОБИЛЬ ИЛОВА ОРҚАЛИ ОЛИШ МУМКИН БЎЛАДИ

2024 йил 1 январдан бошлаб фуқароларга пенсия тайинлаш учун амалдаги тартибга қўшимча равишда уларнинг хоҳишига кўра, ДХМ ёки ЯИДХП (my.gov.uz) орқали ҳам мурожаат қилиш ҳуқуқи берилади. Фуқаролар пенсия тайинланганидан сўнг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварқларидидаги маблағларини ЯИДХП ёки АТ «Халқ банки»нинг мобиль иловаси орқали олиши мумкин бўлади.

ХОРАЗМДА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИГА ПЛАНШЕТЛАР БЕРИЛАДИ

Қўшқўпир ва Хонқа туманларидаги барча бошланғич мактаб ўқувчилари ўқув-тажриба тариқасида ўқув планшетлари билан таъминланади. Келгусида мазкур тажриба республиканинг барча ҳудудларида росқичма-росқич жорий этилади.

Лазиза ШЕРОВА
тайёрлади.



“ЎЗБЕКГИДРОЭНЕРГО” АЖ:

САРҲИСОБДАН КЎНГИЛ ТЎҚМИ?

“ЎЗБЕКГИДРОЭНЕРГО” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН “2023 ЙИЛ ЯКУНЛАРИ САРҲИСОБИ, ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР ВА ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ” МАВЗУИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ. УНДА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИ РАҲБАРИЯТИ, ИЖРО АППАРАТИ БОШҚАРМА, БЎЛИМ БОШЛИҚЛАРИ ВА МАСЪУЛ МУТАХАССИСЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.

“ЎЗБЕКГИДРОЭНЕРГО” АЖ ФАОЛИЯТИ САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ.

– Ўтган давр мобайнида жамиятимиз томонидан жами 36 та лойиҳа, шу жумладан, 23 та янги ГЭС қурилиши амалга оширилиб, муваффақиятли фойдаланишга топширилди, 13 та ГЭС замонавий андозалар асосида модернизация қилинди, – дейди “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти Бошқарув раиси ўринбосари Фаррух Нуруллаев. – Шунингдек, кейинги олти йил ичида юртимизда ГЭСларнинг умумий сони 2017 йилдаги 35 тадан 58 тага ҳамда ўрнатилган қуввати эса 1 856 МВтдан ҳозирги 2 233 МВтга етказилиб, қўшимча равишда қарийб 400 МВт қувват яратилди. Эътиборли жиҳати, бу кўрсаткич кейинги йилларда нафақат Ўзбекистонда, балки МДҲ давлатларида ҳам катта кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Бундан ташқари, бугунги кунда Инвестиция дастурига мувофиқ жами қуввати 749 МВтга тенг бўлган 13 та инвестиция лойиҳаси доирасида қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда. Жорий 2023 йилда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар натижаси ўлароқ, Тошкент, Андижон, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятида умумий қуввати 190 МВтга тенг 8 та ГЭС, шу жумладан, 3 та йирик ГЭС ва 5 та микро ГЭС мамлакатимиз саноати раўнақи

» **“Яшил энергия” сертификатларини сотиш мамлакатга экологик масъулият ва қайта тикланадиган энергиядан фойдаланишга содиқлигини намоён этиш имконини беради ҳамда табиий равишда Ўзбекистоннинг халқаро даражадаги экологик рейтингини оширади.**

ва халқ фаровонлиги йўлида ишга туширилди.

Тадбирда электр энергиясини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш борасидаги ишлар ҳам айтиб ўтилди. Унга кўра, жорий 2023 йилда республика электр энергия балан-

сига жамият тасарруфидаги энергия ҳосил қилувчи корхоналар томонидан 7 миллиард кВт.соатга яқин электр энергияси миллий электр тармоқларига етказиб берилиши мўлжалланган. Бу ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан 8 фоизга кўпроқ деганидир. Янада аниқроқ айтилдиган бўлса, ушбу 7 миллиард кВт.соатга яқин электр энергия 2 миллион истеъмолчини узлуксиз электр энергия билан таъминлайди.

Шунингдек, матбуот анжуманида жамият эришган халқаро рейтингларнинг аҳамияти юзасидан ҳам ахборотлар берилди.

– Акциядорлик жамиятимиз тўрт йилдан буён жаҳонда етакчи топ “учлик” рейтинг агентликларида бири ҳисобланган “Fitch-Ratings” халқаро рейтинг агентлигининг “ББ-” халқаро кредит рейтингини барқарор даражада сақлаб келмоқда, – дейди “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти бўлим бошлиғи Лазизхўжа Усмонов. – Ташкентимизга куни кеча Буюк Британиянинг “Sustainable Fitch” рейтинг агентлиги томонидан ESG халқаро рейтингини берилди. Бу бизнинг экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув йўналишида амалга оширилган ишларимиз самарасидир. Айтиш мумкинки, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ республикада халқаро ESG рейтингини қўлга киритган биринчи ташкилот бўлди.

Давлат харидлари тизимидаги ошқоралиқни ошириш мақсадида 2022 ва 2023 йиллар учун харид жараёнларини аудитдан ўтказиб, коррупцияга қарши курашиш тизимлари самарадорлигини ошириш (“форензик”) бўйича дунёда аудиторлик хизматлари кўрсатувчи ижобий аудит хулосаси олиншига эришилди.

Анжуманда “Ўзбекгидроэнерго” АЖ тасарруфидаги ГЭСларда мамлакатимизда илк бор “Яшил энергия” сертификати жорий этилгани қайд этилди. Унга асосан корхоналарда ишлаб чиқарилган электр энергияси учун биринчи марта Голландиянинг I-REC “Яшил энергия” сертификати тизими татбиқ этилди. Айни пайтда бу борада ишлар янада такомиллаштирилмоқда.

“Яшил энергия” сертификатларини сотиш мамлакатга экологик масъулият ва қайта тикланадиган энергиядан фойдаланишга содиқлигини намоён этиш имконини беради ҳамда табиий равишда Ўзбекистоннинг халқаро даражадаги экологик рейтингини оширади.

Масъуллар иштирокчиларга истиқболдаги вазифалар, маҳаллаларда микро ГЭСлар бунёд этиш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш каби қатор режалар ҳақида ҳам маълумот берди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози”
мухбири.

БИЛАСИЗМИ?



НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР УЧУН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ

Қуйидагилар қисман солиқ солишдан озод этилади:

- уруш ногиронлари ва иштирокчилари, шунингдек, уларга тенглаштирилган ва доираси қонун ҳужжатларида белгиланадиган шахслар;
- болаликдан ногиронлиги бўлган шахслар, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар;
- болаликдан ногиронлиги бўлган шахс, доимий парваришни талаб этадиган фарзанди билан бирга яшаб, уни тарбиялаётган ота ёки она.

Ушбу солиқ имтиёзлари тегишли ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда қўлланилади.

Қаътий белгиланган солиқ ставкаси тўловчиси I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс ҳисобланганида фаолият туридан ва уни амалга ошириш жойидан қаътий назар, ойига қаътий белгиланган миқдордаги солиқнинг 50 фоизини, бироқ БҲМнинг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда тўлайди.

Уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, доираси қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган уларга тенглаштирилган шахслар мулкида бўлган мол-мулк солиқ солишдан озод этилади.

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар мулкида бўлган мол-мулк 60 квадрат метр доирасида солиқ солишдан озод қилинади. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади.

Уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, доираси қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган уларга тенглаштирилган шахслар ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ер солигидан озод этилади. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади.



АГАР ТАЛАБА ШАРТНОМА ПУЛИНИ ТЎЛАШГА ҚИЙНАЛСА, ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТОМОНИДАН ИМТИЁЗ БЕРИШ НАЗАРДА ТУТИЛАДИМИ?

Тўлов-контракт асосида ўқиш ихтиёрий бўлиб, тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда мазкур тоифадаги талабаларга олий таълим муассасаси томонидан тўлов шартларини енгиллаштириш бўйича имтиёзлар бериш кўзда тутилмаган.

Лекин, ҳозирги кунда талабалар тўлов-контракт асосида ўқиш учун Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги “Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида”ги 318-сонли қарорига асосан банк муассасалари томонидан тўлов-контракт асосида ўқиётган талабаларга “таълим кредит”лари ажратилмоқда.

Ушбу қарорнинг 3-бандига асосан:

- чин этимлар, “Меҳрибонлик уйлари”да тарбияланганлар ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун – фоизсиз таълим кредитлари берилади;
- кам таъминланган оилалардан бўлган талабалар учун кредит бўйича қўшилган фоизларнинг 50 фоизи туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан “Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғарма”си маблағлари ҳисобидан тўланади.



АФВ ЭТИШ БЎЙИЧА ИЛТИМОСНОМАНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

«Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 30-бандига асосан афв қилиш ҳақидаги илтимосномани кўриб чиқиш келиб тушган кундан бошлаб 3 ойдан ошмаслиги лозим.

Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома ижобий кўриб чиқилганда, Комиссия Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдир қилинади.

Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома рад этилганда, Шўъба бу ҳақда бир кун давомида илтимоснома берган шахсни хабардор қилиш учун илтимоснома келиб тушган органга ёки илтимосномани мустақил равишда юборган шахсга хабар беради. Муассаса маъмурияти афв этиш тўғрисидаги илтимоснома рад этилганлиги ҳақидаги маълумотни олгандан сўнг кейинги кундан кечиктирмасдан илтимоснома берган шахснинг имзо қўйдирган ҳолда хабардор қилади.

Ўзбекистон Республикаси миллий ҳуқуқий интернет портали.





ИИВ Ахборот хизмати: ХАР ДОИМ

ЖАМОАТЧИЛИК ВА ОАВ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШГА ТАЙЁРМИЗ

БУГУН ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНИШИНИ АХБОРОТСИЗ ТАСАВВУР ҚИЛИБ БЎЛМАЙДИ. ШУ БОИС АЙНИ ВАҚТДА ҚАЙСИ СОҲА БЎЛИШИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ УЛАРНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИГА АЙЛАНГАН. ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗКИ, ВАЗИРЛИК, ҚЎМИТА ВА АГЕНТЛИКЛАРДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ БУГУН ЧИН МАЪНОДА ХАЛҚИМИЗ ВА МАСЪУЛ ИДОРЛАР ЎРТАСИДА КЎПРИК ВАЗИФАСИНИ ЎТАМОҚДА. ЧУНКИ МАЪЛУМ ТИЗИМ ҲАҚИДА ЖАМИЯТНИ ҚИЗИҚТИРГАН МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ, ФУҚАРОЛАРГА ШАФФОФ АХБОРОТНИ ЕТКАЗИШ, ЮЗАГА КЕЛГАН ТУРЛИ ВАЗИЯТЛАРГА ТЕЗКОРЛИК БИЛАН МУНОСАБАТ БИЛДИРИШ АЙНАН АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ.

Бугун Ички ишлар вазирлиги Ахборот хизматида фидойи ходимлар, таъбир жоиз бўлса, ўз ишининг профессионаллари фаолият кўрсатишмоқда. Жамоамизнинг бирдамлиги ва ҳамжихатлиги боис бугун оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Озими-кўими, бирдамликда қилаётган меҳнатимиз самараси ўлароқ ютуқларга эришяпмиз. Хусусан, Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан мамлакатимиздаги маънавий-маърифий соҳалардаги ишларга муносиб баҳо бериш, бу борада энг намунали туман-шаҳар, вазирликларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган "Энг намунали вазирлик ва идора" ҳамда "Энг намунали туман ва шаҳар" танловининг "ОАВ ва ижтимоий тармоқларда энг фаол вазирлик, идора" номинацияси бўйича Ички ишлар вазирлиги Ахборот хизмати тақдирланди.

Мазкур ютуқ жорий йил якунида жамоамиз учун чинакам рағбат бўлди, десам муболага бўлмайди. Ўтиб бораётган йил биз учун анчайин баракади йил бўлди. Давлатимиз раҳбари белгилаб берган топшириқ ва вазифаларидан келиб чиқиб, Ички ишлар вазири генерал-лейтенант Пўлат Бобожонов бошчилигида худудлардаги криминоген вазиятдан тортиб, аҳолининг ижтимоий муаммоларини ўрганиш, уларга қулай шароит яратиш ва бошқа бир қатор тадбирлар ўз вақтида аҳолига тақдим этилди.

Биргина жорий йилнинг ўзида вазирлик Ахборот хизмати ва унинг қўйи хизматлари томонидан мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоқларда ички ишлар органлари фаолиятига оид жами 145 074 та ахборот тарқатилган. Мазкур чиқишларнинг 6 829 таси айнан ахборот хизматлари томонидан тайёрланган соҳа



фаолиятига боғлиқ алоҳида видеоролик, кўрсатув ва фильмларни ташкил этади. Бугунги глобаллашув жараёнида ахборот маконида ўз сўзини айта олиш, берилган ахборотнинг ишончли ва тезкорлигини таъминлаш катта масъулият талаб этади. Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, вазирлик Ахборот хизмати ҳамда Ўзбекистон МТРК ва Миллий медиа ассоциацияси билан келишувлар асосида тизим фаолиятига оид 16 та кунлик ва ҳафталик махсус кўрсатув ҳамда дастурлар намойиш этилмоқда.

Бундан ташқари, "Ахборот 24", "Янгиликлар 24" (Ўзбекистон 24), "Марказий студия", "Худуд" (МЙ5), "Замон" (Севимли), "Бу кун" (Зўр ТВ), "Диёр" (Маҳалла) инфорацион дастурлар орқали ҳам мунтазам равишда ички ишлар органлари фаолиятига оид лавҳалар намойиш этиб борилмоқда. Ижтимоий тармоқлар орқали аҳолини турли қатламни қамраб олиш мақсадида ИИВ Ахборот хизмати Медиа-маркази ва ички ишлар органлари ахборот хизматлари томонидан 11 та муаллифлик кўрсатуви тайёрланади.

Бугун Ички ишлар вазирлигининг жажон веб-маконида 22 та веб-сайт ҳамда оммалашган ижтимоий тармоқларда 74 та расмий саҳифалари мавжуд бўлиб, ходимларга ва фуқароларга маълумот етказишни мақбуллаштириш мақсадида юритилган мазкур саҳифаларнинг жами 566 790 нафардан ортиқ обуначилари мавжуд.

Шу билан бирга, вазирликнинг расмий веб-сайти www.iiv.uz замон талабларига мос равишда яратилган бўлиб, мукамаллашиб бормоқда. Қолаверса, вазирлик веб-сайти республикадаги "Миллий қидирув тизими"да жойлашган жами 2055 та

сайт орасида 54-ўринни банд этган.

Вазирлик ва идоралар орасида кучли учталиқ кирган бўлиб, жойланаётган маълумотларнинг долзарблигига қараб доимо етакчилик қилиб бормоқда. Бундан ташқари, фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида ички ишлар органлари томонидан аҳолига кўрсатиладиган 47 та хизмат йўналишининг 24 таси вазирликнинг расмий веб-сайтида онлайн тақдим этилган.

Шунингдек, ИИВнинг "YouTube" расмий саҳифаси фойдаланувчилари сони 354 минг нафардан ортиқни ташкил қилиб, МДХ ва Болтикбўйи давлатлари ИИВлари орасида энг кўп обуначилар сонини эгаллайди. Юқоридаги кўрсаткичлар тизимнинг халқчил ва оммабоплигини кўрсатмоқда.

Олдимизда қилиниши лозим ишлар ва режалар талайгина. Биз айни пайтда жамоамиз билан 2024 йилда амалга оширилиши лозим ишлар ва режалар хусусида бош қотирапмиз. 2024 йилда Ички ишлар вазирлиги Ахборот хизмати томонидан янги лойиҳа ва кўрсатувлар суратга олиниши белгиланган. Мақсадимиз – ички ишлар органи ходими ҳам аввало халқимизнинг бир бўлаги эканини кўрсатиш! Шу боис янги йилда энг олис худудларда хизмат қилаётган соҳанинг чинакам фидойилари, профилактика инспекторлари, патрул-пост ходимлари, йўл ҳаракат хавфсизлиги ходимлари ҳақида туркум кўрсатувлар тайёрлаш белгилаб олинди. Шу ўринда Ички ишлар вазирлиги Ахборот хизмати ҳар доим жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканини эслатиб ўтмоқчиман.

Шоҳрух ҒИЯСОВ,
ИИВ Ахборот хизмати раҳбари,
полковник.

МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИК



НЕГА БАНКЛАР ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ БАНКОМАТЛАР ОРҚАЛИ НАҚДЛАШТИРИШДА КОМИССИЯ ТЎЛОВЛАРИ (ФОИЗЛАР)НИ УНДИРИШАДИ?

Қонунга кўра, банклар комиссия тўловларини белгилашда мустақилдирлар. Шунингдек, жой ижараси билан боғлиқ харажатларни қоплашга йўналтирилади. Шу билан бирга, хизмат кўрсатувчи банкда банк картасидаги пул маблағларини комиссия тўловларисиз нақдлаштириш имконияти мавжуд.

ОИЛАВИЙ КАРТАЛАРНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ НИМАДАН ИБОРАТ?

Оилавий карталарнинг қуйидаги афзалликлари мавжуд:

1. Бир банк ҳисобварағига боғланган оилавий карталар ўртасидаги пул ўтказмалари учун воситачилик ҳақлари ундирилмайди;
2. Оилавий карта эгаси смс-хабарномани фаоллаштириш орқали унга уланган оилавий карталар орқали амалга оширилган барча операциялардан хабардор бўлиши мумкин;
3. Картанинг бу тури мижозларга битта ҳисобварақни бошқариш ҳамда ҳар бир уланган оилавий карта учун чеклов белгилаш имкониятини беради.

ОМОНАТ БЎЙИЧА ФОИЗЛИ ДАРОМАДНИ ОЛДИНДАН (АВАНС ШАКЛИДА) ОЛИШ МУМКИНИ?

Омонат бўйича фоиз кўринишидаги даромад омонатнинг тури ва шартларига қараб тўланади. Агар омонат шартномаси шартларидан омонат бўйича фоизларни олдиндан олиш имконияти назарда тутилган бўлса, омонат фоизларини олдиндан олиш мумкин, акс ҳолда фоизлар шартнома бўйича белгиланган тартибда тўланади.



КРЕДИТ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛИ ДАВР БУ НИМА?

Имтиёзли давр – бу сиз кредит бўйича фақат фоиз тўловларини амалга оширишингиз мумкин бўлган вақт. Бу вақтда сизга кредитнинг асосий суммасини сўндириш мажбурияти юқлатилмайди.

ТИЖОРАТ БАНКИДАН КРЕДИТ ОЛИШДА БАНКА ҚАНДАЙ ТАЪМИНОТ ТУРЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУМКИН?

Қарз олувчи банкка қуйидаги таъминот турларининг бирини ёки бир нечасини тақдим этиши мумкин:

- мулк ёки қимматли қоғозлар гарови;
- банк ёки суғурта ташиқоти кафолати;
- учинчи шахснинг кафиллиги;
- суғурта компаниясининг қарз олувчининг кредитни қайтара олмаслик хатарини суғурта қилингани тўғрисидаги суғурта полиси.

Кредит ҳисобига сотиб олинган мулк, унинг қийматининг 80 фоизи миқдорда мазкур кредит бўйича гаров предмети бўлиб хизмат қилиши мумкин.

ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИ БАНК КАРТАЛАРИДАГИ CVV-КОД НИМА?

CVV-код банк картасининг орқа томонида кўрсатилган уч хонали рақам (код)дир. Қоидага кўра, картанинг орқа томонида кўрсатилган 7 та рақамнинг охириги 3 та рақамидир. Шунингдек, лаби кўкаради, тез-тез йўталиб, тинка мадори қурийдир. Ийрингли балғам ташлаб, кўкрагида оғриқ туради. Ҳатто, ўпкасида майда пуфакчали нам, қуруқ хириллашлар эшитилади.

Қолаверса, нафас сустлашади, томир уриши тезлашиб, юрак товуши бўғиқлашади, ҳатто, бронхлар девори ва атрофидаги тўқималар зарарланади. Бундай вақтда беморларни зудлик билан шифохонага ётқизиш лозим.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий
Банкининг www.finlit.uz сайти**

"Тошкент вилояти Дори-дармон" АЖнинг 18.12.2023 йилдаги №447а/01-сонли хатига асосан «BANYAN» МЧЖ томонидан "O'zbekiston ovozi" газетасининг 09.05.2023 йил №17(32763)-сонидан берилган эълондаги 2023 йил 20 декабрь соат 11:00.га белгиланган такрорий савдо кўни 2023 йил 29 декабрь соат 11:00.га кўчирилганлиги ҳақида маълум қилинади.

زيادة عدد الرحلات المنظمة بين أوزبكستان والمملكة إلى 70 رحلة أسبوعياً



ЎЗБЕКИСТОН ВА САУДИЯ АРАБИСТОНИ ЎРТАСИДАГИ АВИАҚАТНОВЛАР СОНИ ҲАФТАСИГА 70 ТАГА ЕТКАЗИЛАДИ

Саудия Арабистонининг оммабоп «An-Nahar News» онлайн нашрида «Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасидаги авиақатновлар сони ҳафтасига 70 тага етказилади» сарлавҳали мақола эълон қилинди, деб хабар бермоқда «Дунё» АА муҳбири.

Нашрда Халқаро фуқаролик авиацияси ташкилотининг (ICAO) «ICAN-2023» тадбири доирасида Ўзбекистон Транспорт вазирлиги делегацияси Саудия Арабистони авиация маъмурияти билан музокара ўтказгани маълум қилинган.

«Унда Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасида авиақатновлар сонини ҳафтасига 70 тага етказиш тўғрисида келишувга эришилди, - дейилади мақолада. - Ушбу келишув Ўзбекистондан Ҳаж ва Умра амалларини бажариш учун Саудияга келадиганлар ҳамда «Умра плус» дастури орқали Ўзбекистонга зиёрат туризми учун борадиган хорижий сайёҳларга кенг имкониятлар яратди».

Музокаралар якунига кўра, Тошкентдан Саудия Арабистони шаҳарларига ҳафтасига 14 та, шунингдек, халқаро аэропортга эга бўлган Ўзбекистон шаҳарларидан Саудия Арабистонига ҳафтасига 21 та мунтазам парвозни йўлга қўйиш бўйича келишувга эришилди.

«Мунтазам авиақатновларнинг қарийб икки ярим баробар оширилиши Ўзбекистоннинг барча аэропортларини Саудия Арабистони билан боғлаш ҳамда икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади», - деб ёзган «An-Nahar News».

БРОНХИТ КАСАЛЛИГИ НИМАСИ БИЛАН ХАВФЛИ?



Қишнинг совуқ кунларида аксарият инсонларда нафас йўллари билан боғлиқ турли касалликлар кузатилади. Улардан бири бронхитдир.

— Бронхларнинг яллиғланиши (бронхит) юқори нафас йўлларидаги энг кўп учрайдиган хасталиги, — дейди олий тоифали шифокор Равшанбек Умаров. — Унинг ўткир ва сурункали турлари фарқланади.

Кўпинча об-ҳавонинг ўзгариши, иммунитетнинг сустайиши, ёмон одатларга (ичкиликбозлик, кашандалик) ружу қўйиш ҳамда турли зарarli моддалар (газ, чанг, кучли эфир мойлари)ни нафас орқали ичга ютиш каби ҳолатлар ҳалқум, ҳиқилдоқ ёки трахеяни зарарлаб, ўпка томон тарқалади. Оқибатда бронхит ва зотилжам келиб чиқади.

Касалликнинг ўткир турида бемор ҳолсизланади, мушаклари қақшайди. Йўтал пайдо бўлади.

Кўкрак соҳаси қисилиб, оғрийдир. Бироз ўтиб, унга тумов ҳам қўшилади, баъзи ҳолларда эса тана ҳарорати кўтарилиши мумкин.

Қолаверса, беморда мунтазам равишда йўтал тутиб, йиринг аралаш балғам ажралади. Бронхит тўлиқ даволанмаса, касаллик чўзилиб, сурункали тусга ўтади ва ўзидан оғир асоратлар қолдиради.

Гайморит, отит ва зотилжам каби асоратлар аксарият ҳолларда бронхит қайталаши оқибатида келиб чиқади. Юрак-қон томир тизимида касаллиги бўлган ва анча қувватдан қолган беморларда бронхит туфайли майда бронхлар ҳам зарарланади.

Касаллик ривожланганда бемор иситмаси балан бўлади, ҳаво етишмайди, ҳансирайди. Шунингдек, лаби кўкаради, тез-тез йўталиб, тинка мадори қурийдир. Ийрингли балғам ташлаб, кўкрагида оғриқ туради. Ҳатто, ўпкасида майда пуфакчали нам, қуруқ хириллашлар эшитилади.

Қолаверса, нафас сустлашади, томир уриши тезлашиб, юрак товуши бўғиқлашади, ҳатто, бронхлар девори ва атрофидаги тўқималар зарарланади. Бундай вақтда беморларни зудлик билан шифохонага ётқизиш лозим.

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Матбуот хизмати.**

TABRIK VA QUTLOV

“XORAZMSUVLOYINA” jamoasi

Озод Ватанимиз тараққиёти йўлида шижоат кўрсатиб
меҳнат қилаётган барча юрtdошларимизни
Янги — 2024 йил билан муборакбод этади!
Сиз, азизларга сизхат-саломатлик, тинчлик-
хотиржамлик тилайди.
Байрамлар байрамларга уланаверсин!



HUDUDIY
ELEKTR
TARMOQLARI

“HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI” AJ XORAZM FILIALI jamoasi

соҳа ходимларини, юрtdошларимизни
Янги — 2024 йил билан қутлайди.

Янги йил оилангизга қут-барака, тўкин дастурхон,
мустаҳкам соғлик, тинчлик-хотиржамлик ва барака
олиб келсин!





«XIVA GILAM KOMBINATI» MЧЖ жамоаси

Yurtdoqlarimizni yangi 2024 yil bilan samimiy qutlaydi.

Bugungi kunda "Yul haritasi dasturi" ga asosan «XIVA GILAM KOMBINATI» MЧЖ tomonidan zamonaviy gilam mahsulotlari ishlab chiqarish loyihasi doirasida gilam va gilam mahsulotlari, polipropilen granulasi va akril tolasi bilan ip-kalava ishlab chiqarish t'uliq y'ulga k'uyiladi.

Kiritilgan 11 mln AQSH dollari miqdoridagi t'urridan-t'urri yetil investitsiyasi natijasida korxonadan 690 nafar yangi ish urinlari yaratiladi. Hozir 3 smenali t'uliq ish grafigi asosida faoliyat olib bormoqda. Mahsulot ishlab chiqarish hajmi yillik 120 mrd s'umni tashkil qilmoqda. Eksport k'ursatkichi esa 1 mln AQSH dollariga etkaziladi. Respublika va mahalliy budgetga t'ulana'etgan soliqli t'ulovlari 20 mrd s'umni tashkil qilmoqda.

Shuningdek, ichki bozorda mahsulot sotish hajmi 130 mrd s'umdan oshmoqda.

Xiva gilam kombinati yangi yilga yangi rejalar bilan qadam k'uymoqda. Maqsadimiz ishlab chiqarish quvvatini yanada oshirish, yangi ish urinlari yaratishdan iborat, – deyishdi jamoa a'zolari.



HUDUDGAZ XORAZM
GAS TA'MINOTI FILIALI

«HUDUDGAZ TA'MINOT» AJ

«HUDUDGAZ XORAZM» GAS TA'MINOTI
filiali jamoasi

respublikamiz a'holisi va mehmonlarini
2024 yil bilan tabriklaydi!

Yangi yil barchangizga ulkan muvaffaqiyatlar,
bahatu omad, fayzu baraka olib kelсин.
Aхшиликлар, хушхабарлар k'upaaverсин!

TABRIK VA QUTLOV



Biznesni
Rivojlantirish
Banki

YANGI

2024

YILINGIZ MUBORAK
BO'LSIN!

www.brb.uz

☎ 1254

**XORAZM VILOYATI HOKIMLIGINING
YAGONA BUYURTMACHI INJINIRING
KOMPANIYASI DUK
jamoasi**

юртдошларимизни бугунги шукуҳли
кунларда Янги йил билан табриклайди.
Барчангизга тинчлик-омонлик,
хотиржамлик, соғлиқ-саломатлик,
ишларингизга муваффақиятлар тилайди.



«O'ZSUVTA`MINOT» aksiyadorlik jamiyati jamoasi

барча юрдошларимизни, шу жумладан, соҳа
ходимларини ҳам кириб келаётган

Янги — 2024 йил билан самимий
муборакбод этади!

Мамлакатимиз равнақи ва фаровонлиги йўлида
амалга ошираётган барча эзгу ишларингизда
зафарлар тилайди.

Янги йил оилангизга қут-барака, тўкин дастурхон,
мустаҳкам соғлиқ, тинчлик-хотиржамлик, бахт-
саодат олиб келсин!





MUNOSABAT

+5 Қорақалпоғистон Республикаси
+10 Хоразм**+10** Бухоро
+15 Навоий**+8** Тошкент Самарқанд Жizzзах Сирдарё
+13**+13** Қашқадарё
+18 Сурхондарё**+5** Андижон Наманган Фарғона
+10**+8** Тошкент шаҳри
+10

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

ҲАЁТ-МАМОТ МАСАЛАСИ

ДУНЁ МУРАККАБЛАШИБ, ЧИГАЛЛАШИБ КЕТМОҚДА. БУНДАЙ СИНОВЛИ ВАЗИЯТДА ДАВЛАТ, ХАЛҚ ВА ЖАМИЯТ ҲАМ КУЧЛИ, ҲАМЖИХАТ БЎЛИШИ ЗАРУР. ДАВЛАТ РАҲБАРИ РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИГИЛИШИДА БУ БОРАДА УСТУВОР ВАЗИФАЛАРНИ АТРОФЛИЧА ТУШУНТИРИБ БЕРДИ.

МАЪНАВИЯТ ВА МАДАНИЯТ ФАОЛЛАРИ, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАМОЯНДАЛАРИ, ШУНИНГДЕК, ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИ, ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ВАКИЛЛАРИ, ВА-ЗИРЛАР ВА ҲОКИМЛАР ИШТИРОК ЭТГАН УЧРАШУВДА ЖАҲОН МИҚСИДА ТАРАҚҚИЁТ СУРЪАТЛАРИ ШИДДАТЛИ ТУС ОЛГАНИ, ЎТА ЗИДДИЯТЛИ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ТАЪСИРИ МАМЛАКАТИМИЗДА ҲАМ СЕЗИЛАЁТГАНИ ҚАЙД ЭТИЛДИ.

– ВАТАН ВА ХАЛҚ ТАҚДИРИГА НИСБАТАН ТАҲДИДЛАР КУЧАЙГАН ВАЗИЯТДА АЙНАН МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ – УЙҒОҚ ҚАЛБЛИ ЗИЁЛИЛАР, ШОИР ВА АДИБЛАР, САНЪАТ НАМОЯНДАЛАРИ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ ЖАСОРАТ БИЛАН МАЙДОНГА ЧИҚАНЛАР. МАМЛАКАТИМИЗ ЎЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ, ЮКСАК БОСҚИЧГА КИРАЁТГАН ҲОЗИРГИ ПАЙТДА БИЗГА ЖАДИД БОБОЛАРИМИЗ КАБИ ҒАРБ ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ БИЛАН БИРГА, МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР РУҲИДА ТАРБИЯ ТОПГАН ЕТУҚ КАДРЛАР СУВ БИЛАН ҲАВОДЕК ЗАРУР, – ДЕЯ ТАЪКИДЛАДИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ.

ПРЕЗИДЕНТ 9 ТА ЙЎНАЛИШДА ЎЗ ФИКРЛАРИНИ БИЛДИРИБ, МУҲИМ ТАШАББУСЛАРНИ ИЛГАРИ СУРДИ.

МИЛЛИЙ ҒОЯ БЎЙИЧА АЛОҲИДА ДАСТУР

Маънавият ва маданият соҳаси учун методик асос бўлиб хизмат қиладиган миллий ғояни ривожлантириш бўйича алоҳида дастур-хужжат ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидланди. Зиёлилар, нурунийлар, ҳаж ва умрага бориб келган юрдошларимиз маънавият тарғиботчиси бўлиши, одамларни яхшиликка бошлаши кераклиги айтиildi.

Таълим тизимига қаратилаётган эътибор изчил давом эттирилади. Бу борада ҳам тенглик таъминлини, хусусан, қиз болаларнинг ўқиши ва касб-хунар эгаллаши жамият ривожига муҳим экани алоҳида таъкидланди.

ҲОКИМЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИ ОШИРИЛАДИ

Маданий-маърифий соҳадаги ишларда ҳокимларнинг масъулияти оширилади. Туман ва шаҳарларда Маънавият ва маърифат масканлари ишга туширилади. Шу мақсадда ҳудудлардаги 4 та секторга қўшимча равишда маънавият сектори ташкил этилиши маълум қилинди. Улар жойлардаги Маънавият ва маърифат кенгашларининг ишчи тузилмаси сифатида фаолият кўрсатади.

ТЕАТР САНЪАТИ ХАЛҚИМИЗГА ЯҚИН БЎЛАДИ

Театр санъатини ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқилади. Унда энг яхши пьесалар учун ижодий бюротма бериш, ижодий ва ёрдамчи ходимларнинг чет эл театрларида маҳоратини ошириш, ёш режиссёрларни қўллаб-қувватлаш учун Маннон Уйғур номидаги мукофот таъсис этиш қабили назарда тутилди. Корхона ва муассасаларда оянинг бир куни «Театр куни» деб белгиланиб, ходимларнинг театрларга бориши йўлга қўйлади.

ҲАР БИР ТУМАНДА МАДАНИЯТ МАРКАЗИ

Келгуси йилдан ҳар бир туманда сахнали зал, кутубхона, кинозал ва тўғарақ хоналари бўлган биттадан маданият маркази фаолиятга йўлга қўйлади. Жойлардаги 600 дан зиёд бадий ҳаваскорлик жамоаларининг моддий-техник базасини яхшилаш бўйича дастур қабул қилиниб, бунга 100 миллиард сўм йўналтирилади.

МАҚОМ ВА БАХШИЧИЛИК ҚўЛЛАБ-ҚУВВATLANADI

Эндиликда мақом ва бахшичилик санъатини илмий асосда ўрганиш ва ривожлантириш кучайтирилади. Мақом, катта ашула, бахшичилик, атлас ва адрас, кулолчилик ва заргарлик каби анъаналарни давом эттирадиган мактаблар яратилади.

МУСИҚА ВА РАҚСГА ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛАДИ

Бундан кейин musiқа ва рақс санъати ривожига қўллаб-қувватланади. Жумладан, «Баҳор» рақс ансамбли илгари Филармония жойлашган машҳур санъат саройида фаолият юритади. Таниқли ашула ва рақс ансамблларининг хорижга гастроль сафарлари кўпайтирилади. Musiқа ва рақс санъати масалаларини илмий ўрганиш, соҳада илмий кадрларни кўпайтириш мақсадида илмий тадқиқотлар учун грантлар жорий қилинади. Шунингдек, Тошкент давлат цирки биноси таъмирдан чиқарилади.

МУЗЕЙЛАР БЎЙИЧА

етти йиллик дастур қабул қилинади Халқаро майдонда ўзбек маданий дипломатияси кенгайтирилади. Келгуси йили Тошкентда жаҳон креатив иқтисодиётига бағишланган конференция, Нукусда эса

«Орол маданияти» халқаро илмий анжумани ўтказилади. Музейлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича етти йиллик дастур қабул қилинади. Тарих музейи ҳамда Санъат музейининг янги бинолари барпо этилади. Темирийлар тарихи ҳамда Табиат музейларининг экспозицияси янгиланади. Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи капитал таъмирланади.

Бундан ташқари, музейларимизда, хусусан, Ислон цивилизацияси марказида Биринчи ва Иккинчи Ренессанс, давлатчилик тарихи ва буюк алломалар фаолияти бўйича янги экспозициялар ташкил қилинади. Франция билан ҳамкорликда Миллий реставрация маркази фаолияти йўлга қўйилади. Муқаддас китоб – Усмон Қуръони саҳифалари консервация қилинади.

Юртимизнинг кўҳна тарихига бағишланган 18 та археология ёдгорлиги очиб осмон остидаги музейга айлантирилади. Самарқандда Соҳибқирон Амир Темур боғлари қайта тикланади, «Буюк ипак йўли» музейи барпо этилиб, Бибиҳоним мажмуи реставрация қилинади.

КИНО РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Бу борада «Тирик тарих» сериясида Ватанимизнинг шонли ўтмишига бағишланган фильмлар яратиш дастури ишлаб чиқилади. Бунга хорижий ижодкорлар, кинокомпаниялар ҳамда инвесторлар ҳам жалб этилади. Шунингдек, болалар учун буюк аждодларимизнинг ибратли ҳаёт йўли ҳақида кўп қисмли анимацион фильмлар яратиш зарурлиги таъкидланди.

Кинони иқтисодиёт билан уйғун ривожлантириш мақсадида Бухоро, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида «эркин иқтисодий киноҳудудлар» барпо этиш вазифаси қўйилди.

Миллий сериаллар бўйича мавжуд тизимни тубдан ислоҳ этиш, уларни ғоявий-бадий ва техник жиҳатдан жозибали даражага етказиш зарурлиги таъкидланди. Бунинг учун IT-парк каби эркин иқтисодий зона – «Cinema park» ташкил қилиш ташаббуси илгари сурилди.

ЁШ РАССОМЛАР МАРКАЗИ

Тасвирий ва амалий санъат соҳасини ривожлантириш бўйича дастур қабул қилинади. Жумладан, Марказий кўрғазмалар зали реконструкция қилиниб, жиҳозланади. Бадий фонд ҳудудда замонавий галерея биноси қурилади ҳамда 40 та ижодий устахонадан иборат Ёш рассомлар маркази ташкил этилади. ҲаттоТолқин ва миниатюра санъати таълимини амалиёт билан боғлаш мақсадида миллий усулда ғоғоз тайёрлаш устахонаси ташкил этилади.

Мамлакатимизда маънавият, маданият, санъат соҳалари фаолиятини кўтаришни назарда тутган ушбу вазифалар, таклиф ва ғоялар кенг жамоатчилик, айниқса, соҳа вакиллари руҳлантирилади.

МАЪНАВИЯТСИЗ ТАРАҚҚИЁТ БЎЛМАЙДИ

Зулхумор Каримова, Ўзбекистон ХДП Қўрғонтепа туман кенгаши раиси:

– Маънавият ва маърифат Кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши тарихда қолади-ган мажлислардан бўлиб, деб ўйлайман.

Барчамизга аёнки, «Тилда, фикрда, ишда бирлик» деган эзгу ғоя билан майдонга чиққан жадид боболаримиз халқларимизни жаҳолат ва қоқоқликдан олиб чиқиш ва уларни ғафлат ботқоқидан қутқаришнинг асосий йўли –билим ва маърифатда, дунёвий тараққиётни эгаллашда, деб билдилар.

Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг йиғилишида билдирилган фикрлар, белгиланган режалар ушбу масалага

ҳамоҳанглиги барчамизни бирдек қувонтирди. Йиғилишда илгари сурилган вазифалар нафақат зиёлилар, маданият ходимлари, ижодкорлар, балки барчамизга бирдек дахлдордир.

Ҳар бир давлатнинг тинчлиги, осойишталиги, унинг ҳар томонлама ривожланиб, жаҳон ҳамжамиятида ўз нуфузига эга бўлиши учун нафақат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳаларнинг ривожланишига, балки маънавият ва маърифатнинг ривожига, мамлакатдаги, жамиятдаги фуқароларнинг маданиятига ҳам боғлиқ. Шу нуқтаи назардан «Янги Ўзбекистонда – янги ҳаёт дунёқараш» ғояси асосида энг аввало одамларнинг тафаккури, дунёқарашини тубдан ўзгартириш муҳим масала ҳисобланади.

Шундай экан, барча қатламдаги партия ташкилотлари, партия фаоллари ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этиши, жамиятда бирдамлик ва ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўиши лозимдир.

ИНСОН ҚАЛБИНИНГ МУҲАНДИСЛАРИ

Наргиза Бакаева, Ўзбекистон давлат драма театри актрисаси:

– Инсоннинг камолоти унинг маънавий даражаси билан ўлчанади. Маънавиятли инсон кенг дунёқарашга эга бўлади, мулоҳазали, ўз-ўзини англай олади, онг-шуурида яхшилик, эзгулик намоён бўлади. Шунинг учун ҳам бундай инсонларни жамиятнинг устунли, деб аташади.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари театр санъатини ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқишини таъкидлаб ўтди. Унда энг яхши асарлар учун ижодий бюротма бериш, ижодий ва ёрдамчи ходимларнинг чет эл театрларида маҳоратини ошириш, ёш режиссёрларни қўллаб-қувватлаш учун Маннон Уйғур номидаги мукофот таъсис этилиши, корхона ва муассасаларда оянинг бир куни «Театр куни» деб белгиланиб, ходимларнинг театрларга бориши йўлга қўйилишини қайд этди. Бу албатта, театр ижодкорлари, санъат ахли учун юксак шараф ва катта масъулиятдир ҳам.

Тўғриси, бундан жуда мамнун бўлдим. Бу аҳоли, айниқса, ёшларнинг маънавий юксаликка эришиши учун муҳим, деб ўйлайман. Театр ҳаёти, сахналаштирилаётган ҳар бир асар, воқелик кишига эстетик завқ беришини ҳисобга олсак, бу санъатнинг қанчаллик қудратли кучга эга экани, ҳаётимизнинг ажралмас бўлаги ҳисобланишини яққол англашимиз. Зеро, санъат одамларини эзгуликка чорлайди, яхшиликка ундайди, энг гўзал ҳис-туйғуларни инъом этади. Театр шунчаки оддий томошахона эмас, балки тарбия, маданият, маънавият ва маърифат масканидир. Чунки одамийликнинг гўзал фазилатларини тарғиб қилишда сахна асарларининг таъсири бениҳоя кучли.

Кейинги пайтда театр санъатига бўлган юксак эътибор туфайли биз ҳам янги асарлар сахналаштириб, томошабинлар ҳужмига ҳавола қиляпмиз. Энг муҳими, уларни халқимиз жуда яхши қабул қилмоқда. Тўғриси, биз сахна асарларини томошабинларга намойиш этилаётганида худди имтиҳон топшираётгандек бўламиз. Агар спектакллар томошабинларга манзур бўлса, бу бизнинг ютуғимиз бўлади.

Театрлар ижодий ходимларининг қўллаб-қувватланиши, малака ва тажриба ошириш, мукофотланиши яхши ва савияли спектакллар кўпайиши, одамларимизнинг театрда қизиқиши ортиши учун яхши имконият бўлади, деб ўйлайман.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ИНСОН КАМОЛОТИ ИЛМ, БИЛИМ ВА МУТОЛААГА БОҒЛИҚ

Кундалик газеталарни ҳар куни ва-рақлаймиз. Турли тақдирлар ҳақида ҳикоя қилувчи мақолаларни ўқиймиз. Инсоннинг камолоти, ёшларнинг илм олиб, яхши одам бўлиб ўлгайиши, оилаларнинг мустаҳкам-лигию жамиятимизнинг фаровонлиги ҳақидаги асарларни мутолаа қиламиз.

Бу бизга бугунги кундаги одамларнинг ўй-хаёллари, уларни безовта қиладиган муаммолар ҳақида муайян тушунчага эга бўлиб боришимизда жуда асослади. Айна пайтда кишини чўқур ўйга толдиради ҳам.

Нера? ... Жамиятда, шубҳасиз, ҳар бир инсоннинг ўз ўрни бор. Давлатнинг тараққиёти, жамиятнинг ривожланиши одамларнинг билим олиши, уларнинг онгу тафаккуридаги эришиллар туфайли юз беради.

Бирок бунга китобсиз, мутолаасиз эришиб бўлмайди.

Мен ҳозирги кунда кимки ишда, ўқишда ва турмушда қийинчиликлару муаммоларга дуч келаётган бўлса, кимки ҳаётда ўз ўрнини топа олмаётган бўлса, бари унинг ўз вақтида китоб ўқимагани туфайли юз беряпти, деб ўйлайман.

Айниқса, боши ташвиждан чиқмайдиган, мудом муаммолар гирдобига тушиб қоладиган опа-сингилларимиз ҳақида ўқиб-эшитсам, ўзимни кўрғанга жой тополмай қоламан.

Турган гапки, хондонларимиздаги тинчлик-тотувлик, аввало, оиладаги соғлом муҳит мустақил ҳаёт остонасида турган қизларимизни ўқитиш, уларни оилавий турмушга ҳар томонлама тайёрлаш билан бевосита боғлиқ эканлигига амин бўламан.

«Битта қиз болани ўқитсангиз, бутун оилани ўқитган бўласиз», деган эди Хиндистоннинг буюк давлат арбоби Индира Ганди.

Дарҳақиқат, шундай. Қизини ўқитган оилаларда илм-зиё, одоб-ахлоқ, тарбия йўсини рисоладагидек бўлиши яхши билармиз.

Ўқиган қизлар намуна келин бўлиш билан биргаликда ўз эурриёди – Ватанимизнинг келажаги бўлган эш владони юртга муносиб этиб тарбияловчи асл муаллима ҳам ҳисобланади.

Ўқиган қизлар жамиятга ҳам бирдек фойда келтирадиган салохиятли кадр саналади.

Шу туфайли ҳам бугунги кунда мамлакатимизда қизларнинг таълим олиши ҳамда олий маълумотга эга бўлиши учун барча шароитлар яратилмоқда. Айниқса, қишлоқ жойларда яшаётган, кам таъминланган оилаларга мансуб қизларимиз олий ўқув юрталарининг кундузги бўлимида давлат гранти асосида ўқишлари учун алоҳида ўринлар ажратилмоқда.

Яратилаётган бундай қўшимча имкониятлар юзлаб, минглаб оилаларга билим ва маърифат олиб кирмоқда, қизларнинг жамиятимизга муносиб касб эгалари бўлиб етишишига туртки бермоқда.

Қолаверса, қизларимизнинг хунарли бўлиши, замонавий касбларни эгаллаши учун етарлича шарт-шароит яратиб берилаяпти. Интилувчан, иқтидорли қизларимизнинг истеъдодини рўёбга чиқариш учун улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Ғоя ва ташаббуслари рағбатлантирилмоқда.

Энг замонавий шароитларга эга таълим масканлари, кутубхоналар, IT-парклар курилиб, ёшларимиз ихтиёрига топширилаётгани ҳам бежиз эмас. Бу ислоҳотлар албатта ўзининг натижасини бериши шубҳасиз.

Бир нарсани ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз керак, деб ўйлайман. Бу — китоб ва мутолаа қилиш эҳтиёжидир. Бу — ўқиб-ўрганиш воситасида замонавий билимга эга бўлиш ис-тагидир. Бу — тиним билмай илм олишга, энг илгор фикрли инсонга айланишга интилиш-хоҳишидир.

Давлатимизнинг қудрати ҳам, тараққиётимизнинг шартини ҳам ёшларимизнинг илм-фан, таълим ва тарбия олиши билан бевосита боғлиқ жараёндир.

Қолаверса, бугун мамлакатимиз Президентининг ўзлари ёшларимизнинг, айниқса, қизларимизнинг ўқиб-ўрганиши, илм олиши ва энг замонавий касб-хунарларни эгаллаши учун жон қуйдириб, қайғуриб турибдилар.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 25 декабрда ўтказилган Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқида айтган мана бу гаплари ҳозирча қўлоқларим остида акс-садо бериб туради: «Ўз тажрибамдан келиб чиқиб, сизларга айтганимиз масала ҳақида шундай: илмни қадрланг, илмга интилинг! Бир сония вақтингиз ҳам бекор ўтмасин! Ёшлиқ – умрнинг энг бебаҳо даври. Илм ва билим – ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган, ҳеч қим сиздан тортиб ололмайдиган бойлик эканини асло унутманг!»

Бу барчамиз учун дастуриламал бўладиган ҳақ гаплардир!

Зеро, инсон камолоти фақат ва фақат илм, билим ва мутолаа биландир.

Дилноза МЎМИНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг Ахборот-кутубхона ва архив ресурслари маркази раҳбари.

MUASSIS:

O'zbekiston ovozi

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «А»-uy.

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 1236. 6718 nusxada bosildi. O'za yakuni —

Nashr ko'rsatkichi — 220. Topshirilgan vaqti — 01:00

t — Tjorat materiallari 1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib qolish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIY
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV
Guliston ANNAQILICHEVA
Muslihiddin MUHIDDINOV
Hayotxon ORTIQBOYEVA
Shuhrat ISLOMOV
Toshtemir XUDOYQULOV